

Зиёуддин МИРСОДИҚОВ

ИЛМ ВА ОДОБ Саодат калитидир



Тошкент
2018

УЎК 28-584.5
КБК 86.38
М 56

Ҳар бир мўмин ва мўминанинг илм олиши фарз. Бироқ ҳар ким ҳам илм олиш машаққатига бардош бериши мушкул. Ушбу рисолада муаллиф илмнинг таърифи ва уни сабр-қаноат билан ўрганиш, илм олувчилар одоби, илмнинг мартабаси ва охираатдаги ажр-савоблари беқиёслиги хусусида сўз юритади.

Илмга меҳр-муҳаббати бор ўқувчи ушбу китоб билан танишиб, илмга муҳаббати янада зиёда бўлади, деган умиддамиз.

Мирсодиқов, Зиёуддин

Илм ва одоб саодат калитидир [Матн] / З. Мирсодиқов.
– Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – 88 б.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 5 июндаги 3181-сонли
хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-541-4

© Зиёуддин Мирсодиқов.
© «Movarounnahr», 2018.

СЎЗБОШИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Аллоҳ таолога Ўзининг шаънига муносиб ҳамду санолар, У Зотнинг барча оламларга раҳмат қилиб юборган бандаси ва элчиси Муҳаммад Мустафога комил салавот ва саломлар бўлсин!

Алҳамдулиллаҳ, юртимизда сўнги йилларда илмга, кенг омма орасида маърифат ва зиё тарқатишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, китоб ва китобхонлик масалалари замирида халқимизни, айниқса, улғайиб келаётган ёш авлодни чин маънода маърифатли, имони бутун шахслар этиб тарбиялаш каби эзгу ва хайрли, беҳад улуғ мақсадлар турибди. Бу эса айни вақтда илм аҳли, алалхусус, диний соҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Буни қарангки, улуғ аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос биз авлодларга нафақат маърифат ва зиё манбаси бўлиб хизмат қилади, балки илм олиш йўлида амал қилиниши зарур бўлган ғоят фойдали ва бебаҳо ўғит ва кўрсатмаларни ўзида мужассам этади. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда илм аҳлларининг мартаба ва даражаларини кўтариб қўйишини очиқ-ойдин баён қилган.

Муқаддас динимизда илм олишни ҳар бир мўмин-мусулмон эркак ва аёл зиммасига бурч ва бажариши шарт бўлган фарз амал қилиб белгилаб қўйилган.

Ушбу рисоламизда илм ва унга алоқадор масалалар тўғрисида атрофлича маълумотлар беришга, илмсизлик ва жаҳолат туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган зарарларни бартараф этиш ва илм олиш йўлидаги машаққатларни сабот билан қарши олишга ундовчи баъзи мисолларни келтириб ўтишга ҳаракат қилдик. Илм дунёда хайр-барака, охиратда нажотга олиб боради. Шу маънода илмни саодат калити десак арзийди. Бу йўлда пурмаъно ва серҳикмат китобларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталдик.

Ушбу камтарона ишимиз билан бундай шарафли йўлда халқимизга оз бўлса-да манфаат етказсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этган бўлардик.

ИСЛОМ ДИНИ ИЛМНИ УЛУҒЛАЙДИ

Маълумки, илм ҳар бир халқ ва миллат фахр-ланадиган омилдир. Унинг шахс ва жамиятга қанчалар манфаати борлигини барча бирдай тан олади. Исломдан аввал дунёда турли маданиятлар мавжуд эди. Уларнинг ҳар бири инсоният тамаддунининг юксалишига ўз ҳиссасини озми-кўпми қўшган. Лекин тан олиш керакки, уларнинг кўпчилиги нафсоний хоҳиш-истаклар ортидан эргашиб кетган ва бориб-бориб таназзулга юз тутган. Шундан сўнг башариятга йўл кўрсатиш учун ўзига хос бир кўрсатмани ўз ичига олган таълимот келди. Исломнинг дунё юзини кўриши зулматли кечада қоронғуликни чекинтирган маёқ каби ҳамма томонни ёритди. Яъни, янги оламда янги кунлар бошланди. Ислом ўзининг юксак биносини барпо этишда илмни асос қилиб олди ва турли тасаввурларни рад этди.

Унинг қоида ва ҳукмлари инсонларнинг ўзаро муносабатларини, Раббилари билан алоқаларини ва ўзлари яшаб турган жамият билан алоқаларини тартибга солди. У барча халқ ва миллатларнинг тенг эканини очиқ-ошкора эълон қилди. Улар орасида Аллоҳга энг суюклилари илм ва амални бирлаштирганлар бўлишини баён этди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло инсонга илм-маърифат ҳосил қилиш воситалари – эшитиш учун кулоқ, кўриш учун кўз ва англаш учун ақл-ид-

рок ҳамда қалбни ато этди. Бу неъматларни эслатиб, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

وَاللّٰهُ أَخْرَجَكُمْ مِّنْ بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْئًا وَجَعَلَ لَكُمُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَرَ وَالْأَفْئِدَةَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٧٨﴾

“Аллоҳ сизларни оналарингиз қоринларидан бирор нарсани билмайдиган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва қалбларни берди” (Наҳл сураси, 78-оят).

Ислом жоҳилият дея аталган муҳитда пайдо бўлиб, улкан илмий бойликни ўзида мужассам этган дин сифатида эътироф этилди. Исломдан олдинги даврни жоҳилият даври деб эсланишининг ўзи ҳам Ислом илм дини эканига очиқ-равшан далилдир. Чунки илм жоҳилликнинг зиддидир.

Илм Аллоҳ таолонинг инсоният учун абадий дастури Қуръони каримда асосий ўрин эгаллаган масалалардандир. Ундаги ҳар бир сура аксар ҳолларда бевосита, гоҳида эса ишора орқали илм билан боғланган.

Илм ва ундан келиб чиққан сўзлар сони Қуръонда 779 марта такрорлангани қайд этилган. Бу кўрсаткич барча суралар йиғиндисининг сал кам етти баробарига тенг. Бундан ташқари, Қуръони каримда фикр, назар, ҳидоят, ақл, ҳикмат, хужжат, оят каби сўзлар ҳам бўлиб, улар ҳам аслини олганда илмга алоқадор лафзлардир.

Ислом илм дини бўлгани учун Қуръони каримдаги илк нозил бўлган оятнинг биринчи

сўзи илмлар калити бўлмиш “ўқиш”га буюради. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ أَقْرَأْ بِأَسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ۝١ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ۝٢ اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ۝٣ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ۝٤ عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ۝٥ ﴾

“Ўқи! (Бутун борлиқни) Яратган Зот бўлмиш Раббинг номи билан. У инсонни алақ (лахта қон)дан яратди. Ўқи! Раббинг карамли зотдир. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатди. Инсонга билмаган нарсасини ўргатди” (Алақ сураси, 1–5-оятлар). Оятларнинг ушбу тарзда баён этилишида бир қанча ҳикмат бор. *Биринчидан*, Аллоҳ таоло Қуръони карим ўз ичига олган минглаб мавзулардан нима учун айнан илм мавзуси танлангани ҳар бир ақл эгасининг эътиборини тортмасдан қолмайди. *Иккинчидан*, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўқиш ва ёзишни билмас эдилар-ку! Нима учун ўқиш ҳақида гап кетмоқда? Демак, бу мавзу шунчалар зарурки, усиз яшаш мушкул. Балки, бу мавзу дину дунёни англаш ва охират ҳаётини тушуниш калитидир. Яна бир ажаблаларли жойи шундаки, бу масала ўша вақтларда арабларни унчалик қизиқтирмас эди. Уларнинг ҳаётида бошдан-оёқ хурофотлар, бузуқ тасаввурлар ҳукм сурар эди. Барча соҳа ва жабҳаларда илмга муҳтож эдилар. Ислоннинг дунё юзини кўриши том маънода илмий инқилоб бўлди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”**, деб марҳамат қилганлар. Натижада илм ўрга-

ниш ҳар бир имон аҳлининг диний мажбурия-тига айланди. Чунки илм ўрганиш барчага ҳеч бир истисносиз буюрилган эди. Илмга бу қадар эътибор Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг вафотларидан кейин ҳам давом этиб, инсониятга улкан фойдаларни келтирди.

Динимизнинг илмга бўлган муносабати қисқача қуйидагилардан иборат:

– Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда илмга турли йўллар билан даъват қилинган;

– Аллоҳ таоло Ўз Китобида илм аҳлларини мақтаган;

– Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уламолар қадрини кўтариб, уларни пайғамбарларнинг меросхўрлари деб атаганлар;

– у зот саҳобалардан баъзиларини бошқа қавмларнинг тилларини ўрганиш учун юборганлар ва илмга эътиборни амалда кўрсатиб ҳам берганлар;

– Аллоҳ таоло илм йўлидагиларга катта ажр-савоб ваъда қилган;

– илмни яширганларни охиратда улкан азоб борлигидан огоҳлантирган;

– соғлом ақл қабул қиладиган фойдали илмларга тарғиб қилиб, коҳинлик, мунажжимлик, сеҳр каби зарар келтирувчи бемаъ依ликлардан одамларнинг ақлини ҳимоя қилиб, тўғри йўналиш берган;

– инсонга ақлини ишлатишга, фикр юри-тишга, еру осмон ва ўзи ҳақида тафаккур қилишга чақирган ва айнан мана шу тафаккур турли асрлар ва даврларда ихтиролар калити бўлиб хизмат қилган.

Буни қарангки, Қуръони карим “ўқиш”, “ёзиш” ва “қалам” сўзлари билан илмнинг ҳар хил турларига ишора қилган. Чунки илм ё оғзаки, ё ёзма шаклда авлоддан-авлодга етказилади.

Шу тариқа, илм толиблари таълим олиш йўлида машаққатларга сабр қилдилар. Солиҳ подшоҳ ва бадавлат кишилар ёшликларидан илмга муҳаббат қўйиб, уни ўрганиб, унинг ҳомийлари бўлишди. Абдуллоҳ ибн Муборак (раҳимахуллоҳ) халифа Ҳорун ар-Рашид даврини бундай таърифлайди: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), хулафои рошидинлар ва саҳобаи киромларнинг давридан кейин Ҳорун ар-Рашиднинг давридагичалик олимлар, қорилар, саховатли инсонлар, тақводорлар кўп бўлганини билмайман. Ёш болалар саккиз ёшида Қуръонни тўлиқ ёдлаб бўлар, ўн бир ёшида илм аҳли бўлиб, ҳадис ривоят қилишарди” (*Дайнурий, «Тарихи хулафо»*). Албатта, бу таъриф у зотнинг илм ва олимларга бўлган эътибори, уларга қулай шароит яратиб берганининг маҳсулидир, десак тўғри бўлади. Шунингдек, оталар фарзандлари билан бирга юриб илм ўрганишди. Ҳозирги кунда айримлар буни қабул қила олмаслиги мумкин. Имом Заҳабий “Тарихул Ислom” китобида шундай келтиради: «Убода ибн Валид айтади: “Отам билан биргаликда ансорлардан илм олгани йўлга отландик. Биринчи бўлиб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобаларидан Абу Юср (розияллоҳу анҳу)га йўлиқдик. Ўшанда у кишининг ёнида ёш ўғиллари ҳам бор эди. У зот бизга ҳадис айтиб берди”».

Суфён Саврий илм олиши ҳақида сўзлаб берар экан, ўша вақтларни бундай ёдга олади: «Илм олиш ниятида юрардим. Лекин тирикчилик, кун кечириш ҳам мени ўйлантирарди. Илм камайиб, йўқ бўлиб кетаётганини кўриб: “Ўзимни илмга бағишлайман”, деб қарор қилдим ва Аллоҳ таолога: “Эй Аллоҳ, эҳтиёжимга яраша Ўзинг ризқимни етказгин”, деб дуо қилдим. Аллоҳнинг иродаси билан у кишига онаси: “Болагинам! Сен илм олишга кириш. Ўзим ип йигирадиган урчуғим билан таъминотингни қиламан”, деди» (*“Ҳилиятул авлиё”, Абу Нуъайм*). Ана шундай мусулмон оналарни Аллоҳ Ўз раҳматига олсин. Ип йигириб, илм олаётган фарзандининг китоблари, озиқ-овқати ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб, бор кучини аямаган экан.

Шу ўринда машҳур даҳолар ҳаётида оналари муҳим ўрин тутганини алоҳида эслаб ўтиш лозим. Мўминларнинг ҳадис илмида амири бўлган Имом Бухорий ҳазратлари онасининг қарамоғида тарбия олиб улғайди. Онаси ўғли ҳақида дуо қилиб, илм олиш ва солиҳ инсонлардан бўлишга тарғиб қилди. Шу билан кифояланиб қолмасдан, ўғлининг ёши ўн олтига етганда Маккаи мукаррамага ҳажга бориб, илм олиши учун ўша ерда қолишига рухсат берган. Бу ишлари билан нафақат Ислом, балки инсоният тарихида ноёб учрайдиган алломанинг етишиб чиқишига беқиёс хизмат қилди.

Дарҳақиқат, илм қалблар зиёсидир. Устунлик, тараққиёт ва юксалиш илм билан амалга ошиши шубҳасиз ҳақиқат. Аллоҳ таолони таниш

ҳам илмсиз юзага чиқмайди.

Динимиз Ислондаги амалларнинг энг яхшиси ҳам, энг афзал ибодат ҳам илмдир, деб қарайди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْمَلُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْمَلُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولَٰئِكَ ﴾
الْأَلْبَابِ ٩

“Биладиганлар билан билмайдиганлар баробар бўлурми? Фақатгина ақл эгаларигина эслатма олурлар” (Зумар сураси, 9-оят).

Ушбу оят илм аҳллари ни мақташга далолат қилади. Шу билан бирга, тирик билан ўлик, кўзи очиқ билан кўзи ожизнинг фарқи бўлганидек, олим билан жоҳил баробар бўлмаслиги эслатилмоқда.

Шу ўринда бир ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчимиз. Ислон дини шариат мақсадларига зид бўлмаган барча фойдали илмларни ўрганишга чақиради. Маълумки, шариатнинг мақсадлари инсоннинг ҳаёти, дини, ақли, насли ва молмулкини муҳофаза қилишдан иборат.

Шак-шубҳа йўқки, бахт-саодатга элтувчи йўл илмдан бошқаси бўлиши мумкин эмас. Динимизда нодонлик, гумон, шак-шубҳага ҳеч қандай ўрин йўқ. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) шогирдларидан бири Кумайл ибн Зиёдга насиҳат қилиб: “Эй Кумайл! Инсонлар уч тоифага бўлинади. Биринчиси – раббоний олим, иккинчиси – нажот йўлида илм ўрганувчи ва учинчиси – ҳар қандай хайқариқ ортидан эргашиб кетаверадиганлар тоифаси. Охиргиси илм

нуридан бебахрадир. Сен улардан бўлиб қолишдан эҳтиёт бўл”, деган экан.

Раббоний олим деганда илмни пухта эгаллаган ва унга амал қилиб, ўзгаларга таълим берадиган илм аҳллари назарда тутилади. Нажот йўлида илм ўрганувчи деганда эса, илми билан Аллоҳнинг розилигини истаган ва инсонларга фойда келтирадиган илм билан машғул кишилар кўзда тутилган. Учинчи тоифа илмсиз одамлар бўлиб, ким нима деса ишониб кетаверади, даъво қилувчиларнинг даъвоси фарқига бормайдиган билимсизлар назарда тутилган.

Имом Шофиъийнинг: “Агар дунёда азиз бўлишни истасанг, илм ўрган, агар охиратда шараф топишни истасанг, илм ўрган, агар ҳар иккисига эришишни кўзласанг, илм ўрган”, деган сўзлари ҳам илмнинг фазли нақадар юксак эканини кўрсатади. Буюк аждодларимиздан бири, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий (раҳматуллоҳи алайҳ) бир шаҳарга борганида шаҳар аҳли у зотнинг устиларидан динор ва дирҳамлар сочишган экан. Бу ҳолатни кузатиб турган бир аёл ўғлидан: “Бу одам ким?” деб сўрабди. Ўғил: “Онажон! Бу киши Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий бўлади”, деб жавоб берибди. Ҳалиги аёл: “Мана буни шараф деса бўлади. Бу подшоҳларникидан ҳам устун бўлган азизликдир”, деган экан. Ҳақиқатдан олимлар дунёда ҳам, охиратда ҳам шарафда бўладилар, вафотларидан кейин ҳам уларнинг номлари ўчмайди.

Азизлар! Илм ўрганиш бизнинг муқаддас

динимиз Исломда ҳозирги пайтда айрим одамлар ўйлаганидек, хоҳласа қиладиган, хоҳламанса қилмайдиган иш эмас. Бу масала бизнинг ихтиёримизга ташлаб ҳам қўйилмаган. Ҳар бир мусулмон ким бўлишидан қатъи назар, эътиқодини, ҳалол-ҳаромни, яхши-ёмонни, нима жоиз ва нима ножоиз эканини билиши мажбурият ҳисобланади. Мисол учун, агар инсон тижоратга оид кўрсатмаларни билмаса, қандай қилиб тўғри савдо-сотик қилади ва молини ҳалолдан топдим дея олади? Эр-хотин оилага боғлиқ мажбурият ва ҳақ-ҳуқуқларни, тавсияларни билмаса, қандай қилиб бахтли ҳаёт кечирадилар? Агар биз илм билан қуроллансак, бу илмимиз бизга тўғри йўлда дадил қадам ташлашимизга ёрдам беради ва ҳаёт чорраҳаларидан ўтишда йўл кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қилади.

Динимиз ҳар бир имон аҳли зиммасига илм ўрганиш вазифасини юклайди. Ибодатларни мисол қилиб оладиган бўлсак, улар зоҳирий ҳаракатлардангина иборат эмас, балки ҳар бирининг замирида одамларнинг манфаати ётадиган, кони ҳикмат бўлган буюк амаллардир. Мана шу ҳикматларни билмасдан ибодатлардан лаззат ва ҳаловат ололмаймиз. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло кўп оятларда илмнинг кадр-қимматига эътиборни тортиб, илмсизлик, жоҳиллик абадий бахтсизлик омили эканига ишора қилади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَقَالُوا لَوْ كُنَّا نَسْمَعُ أَوْ نَعْقِلُ مَا كُنَّا فِي أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿١٠﴾ فَأَعْرَفُوا بِذُنُوبِهِمْ فَنَسْحَقُوا لِأَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿١١﴾ ﴾

«Улар (кофирлар) яна: “Агар бизлар (пайгамбар сўзларини тинглаб) ақл юритувчи бўлганимизда, дўзах аҳлидан бўлмас эдик”, дерлар» (Мулк сураси, 10–11-оятлар).

Яъни, қани эди тинглаганимизда, ақлимизни ишлатганимизда, дея афсус чекадилар.

Тинглаш илм ҳосил қилишнинг энг самарали йўли экани барчага маълум. Демак, бизлар ҳозир яшаб турган пайтимизда илмга қулоқ тутишимиз ва ақлимизни ишлатишимиз ва амал қилишимиз даркор. Аллоҳ нимани амр этганини билмаган, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаган одам қандай қилиб нажот топишдан умид қилиши мумкин. Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз қилиниши бежизга эмас. Фарз деган сўзнинг маъносини “қўйилган шарт” деб билиб, то уни амалга оширмагунимизча ўз мақсадимизга ета олмаймиз, деб англамоғимиз зарур. Худди овқат емаса, сув ичмаса, инсон саломатлигига футур етганидек, илм бўлмаса, унинг маънавиятига ва ҳаётга бўлган муносабатига футур етади.

Ҳозирда ҳам аввалгидек илм ўрганиш юртимиз тараққиёти ва ватандошларимиз учун жуда долзарб маъно касб этади. Бу ерда илмдан мақсад ўқиш ва ёзишни ўрганиб олиш билан кифояланиш эмас, балки шу юртнинг ҳар бир фарзанди ўз соҳасида етук даражадаги мута-

хассис бўлиб етишиши ва ўз ҳаётида унинг ижобий таъсирини ҳис этиши ва ўзгалар жонига оро киритишидир.

Абулвалид Божий (раҳматуллоҳи алайҳ) фарзандларига васият қилиб бундай деган: “Илм ўз эгасини фақат саодатга етаклайди. Унинг ками ҳам фойда беради, кўпи эса юксалтиради. У доимо кўпаядиган кондир. Сарфлаш билан камаймайди, тортиб олинишидан кўрқилмайди, уни ўғирлатишдан хавфсирамайсан. Шунинг учун уни эгаллаш йўлида жидду жаҳд қилинглари, таҳсил олиш чоғида дуч келган қийинчиликларни роҳат деб билиб, илм учун тунларни бедор ўтказинглари”.

Ибн Ҳазм айтади: “Агар илм билан машғул бўлишнинг бекорчи ўй-хаёллардан чалғитишдан, фойдасиз ва бемаъни ишларга тўсиқ бўлишдан бошқа фойдаси йўқ, деб фараз қилинса ҳам, шунинг ўзи унинг ёмонликка қарши қалқон эканини кўрсатади. Энди унинг ҳақиқий самараси, фазилатини ўзингиз ўйлаб кўраверинг!”

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): “Илм излаётган пайтимда қийналдим, кейин азиз бўлдим”, деган экан (*«Ихёу улумиддин», Имом Ғаззолий*). Бундан кўриниб турибдики, илм бу дунёда азизлик, охиратда шарафга сабаб бўлар экан.

Динимизда илм олиш ва уни таълим беришга омонатни сақлаш ва уни ўз эгасига топширишдек қаралади. Илм олаётган ўқувчи ёки талабанинг ва устоз-мураббийларнинг саъй-ҳаракати ортида бутун бир миллатнинг орзумидлари туради. Ҳар бир ишнинг юксак савия-

да бўлиши, узлуксизлиги унинг меҳр билан, ихлос билан бажарилишига боғлиқ. Ҳар қандай улуғ ишнинг қийинчилиги бўлади. Ўша қийинчиликни енгиб ўтадиган куч – киши қалбидаги ихлос, олий ҳиммат ва шавқдир. Агар Аллоҳ таоло пок қалбларга мана шу ихлос, олий ҳиммат ва шавқни солмаганида, одамлар кўп яхшиликлардан бебаҳра қолар эдилар. Эътиқод пойдевори устига бино қилинмаган амал самарасиздир. Шу эътибордан ҳар бир иш, хусусан, илмдек буюк масъулият Ислолда эътиқодга боғланади. Билим олиш – миллий ғурурни шакллантириш йўналишларидан бири деб қаралади. Чунки инсон камолотида илм эгаллаш улкан вазифалардан бири ҳисобланади.

ИЛМНИНГ ТАЪРИФИ

“Илм” сўзи араб тилида бир неча маъноларни англатади. Жумладан, унинг “англаш”, “бир нарсанинг қолдирган изи”, “нишона”, “икки турли ер орасини ажратиб турадиган белги” каби маънолари бор. Умуман олганда, “илм” сўзи жаҳолатнинг зидди маъносида қўлланиб келади.

Илм ҳақида кўплаб таърифлар берилган:

– илм – бир нарсани англаш ва идрок этиш;

– илм – бир нарсани асл ҳолича билиш ва тушуниб етиш.

Араб тилида “маърифат” сўзи илмдан бошқа ҳам маънони англатади. Унинг луғатда “таниш”, “маълумотга эга бўлиш” каби маънолари мавжуд.

“Илм” сўзининг муқобил маъноси илмсизлик бўлса, “маърифат” сўзининг муқобил маъноси инкор қилиш, танимасликдир. Масалан, бир кишига: “Сенинг отангни танидим ва унинг солиҳ инсон эканини билдим”, дейилади. Таниш бу маърифат бўлса, билиш эса илм демакдир.

Илм икки турга – зарурий ва касбийга ажратилади.

Зарурий илм – кузатиш ва далил излашга эҳтиёж туғилмайдиган илм.

Касбий илм (яъни назарий илм) – назар ташлаш ва далил иташга эҳтиёж бор илмлар.

Яъни, зарурий илмда инсон ўйлаб кўриш, фикр юргизиш, зеҳнини ишлатишга эҳтиёж сезмайди. Мисол учун, сутнинг оқ рангда бўлишини билиш каби.

Касбий илм эса назар ташлаш, далил иташ, ўқиш, ўрганиш, бир нарсани тасдиқлаш ёхуд инкор қилишда инсон зеҳнини ишлатадиган илмлар.

ҚУРЪОНИ КАРИМ ИЛМ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Илм дунёда азизлик ва охиратда шарафдир. Инсониятнинг азизу мукаррам бўлишида илмнинг ўрни беқиёс. Ҳазрат Одам (алайхиссалом) илм туфайли фаришталардан ҳам юқори мартабага мушарраф бўлди. Қуръони каримда илмлилар билан илмсизлар асло тенг бўла олмаслиги айтилган. Аҳли илмларни юксак мартаба ва олий даражаларга кўтаришни Раббимиз Аллоҳ таолонинг ўзи ваъда қилган.

Қуръоннинг кўп ўринларида илмнинг фазилати ҳақида кўплаб оятлар ворид бўлган. Қуйида улардан бир қанчаларини зикр қилиб ўта-миз. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

“Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам” (Оли Имрон сураси, 18-оят).

Бу оят айнан илмнинг фазилати, уламоларнинг шарафи ва фазлига далолат қилади. Чунки олимлардан шарафлироқ бирор киши бўлганда эди, албатта, Аллоҳ Ўзининг исми ва фаришталарининг исми билан бирга зикр қилган бўларди. Фаришталардан кейинги мартабада илм эгаларининг зикр қилиниши улар учун улкан шараф ва фазлдир.

﴿ يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴾

“Аллоҳ сизлардан имон келтирганларни ва илм берилганларнинг даражаларини кўтарур” (Мужодада сураси, 11-оят).


“Аллоҳдан бандалари ичидан фақатгина олимлар қўрқарлар” (Фотир сураси, 28-оят).

﴿ يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ ﴾

“У Ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (пайгамбарлик ёки Қуръон илмини) беради. Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар” (Бақара сураси, 269-оят).

Ояти каримада Аллоҳ таоло илмни **“кўп яхшилик”** деб атади. Демак, ким илм эгаси бўлса, у бадавлат ҳисобланади. Чунки инсоннинг қадри моддий бойлигига эмас, балки маънавий камолотига қараб ўлчанади. Шу боисдан ҳам илм мавзуси долзарб маъно касб этади.

Илм энг шарафли нарса бўлгани боис Аллоҳ таоло Набийи (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бундай дейишга буюрган:



«Ва: “Раббим, илмимни зиёда қилгин”, деб айт» (Тоҳо сураси, 114-оят).

Агар илмдан афзал бирор нарса бўлганда эди, албатта, Аллоҳ таоло Набийи (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га илмда зиёдаликни сўраш ўрнига ўша нарсада зиёдаликни сўрашга буюрар эди.

ҲАДИСИ ШАРИФЛАР ИЛМ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Илм фазилати тўғрисида ҳадислар кўп ривоят қилинган, ҳатто муҳаддислар ўз китобларида илм тўғрисида алоҳида боблар ажратишган. Қуйида уларни келтириб ўтамыз.

عن أبي الدرداء رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم يقول: مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَبْتَغِي فِيهِ عِلْمًا سَلَكَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أجنحتَها لِطالِبِ العِلْمِ وَإِنَّ العالِمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الأَرْضِ حَتَّى الحِيتانُ فِي الماءِ. وَفَضْلُ العالِمِ عَلى العابِدِ كَفَضْلِ القَمَرِ عَلى سائِرِ الكواكِبِ ، إِنَّ العُلَماءَ وَرِثَةُ الأنبياءِ ، إِنَّ الأنبياءَ لَمْ يُورِثُوا دِينارًا ولا دِرْهَمًا ، إِنما وَرِثُوا العِلْمَ فَمَنْ أَخَذَ بِهِ أَخَذَ بِحِظِّ وافرٍ“ (رواه أبو داود والترمذي).

Абу Дардо (розияллоху анху)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитдим:

“Ким илм талабида йўлга чиқса, Аллоҳ уни жаннат томон йўлга бошлаб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмдан рози бўлиб, унга ўз қанотларини ёйишади. Албатта, олим учун осмонлару ердагилар, ҳатто сувдаги балиқлар истиғфор айтурлар. Олимнинг обидга нисбатан афзаллиги худди

Ойнинг бошқа юлдузларга нисбатан афзаллигига ўхшайди. Албатта, уламолар анбиёларнинг меросхўрлари. Анбиёлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қилиб қолдирмадилар, улар фақатгина илмни мерос қилиб қолдирдилар. Бас, ким ундан олса, жуда катта насиба олган бўлади” (Имом Термизий, Имом Ибн Можа, Имом Абу Довуд, Имом Доримий ва Имом Аҳмад ривоят қилишган).

Маълумки, ҳеч бир мартаба пайғамбарлик мартабасидан устун бўла олмайди. Албатта, бундай юксак мартабага меросхўр бўлишнинг ўзи олий шарафдир. Олимларга осмондаги фаришталар, ер юзидаги жонзотлар истиғфор айтиб турсалар, бундан юқори мартаба борми?!

عَنْ أَبِي أَمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ، قَالَ: ذُكِرَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلَانِ أَحَدُهُمَا: عَبَادٌ وَالْآخَرُ عَالِمٌ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «فَضَّلُ الْعَالِمَ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِي عَلَى أَدْنَاكُمْ»، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ وَأَهْلَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ حَتَّى النَّمْلَةَ فِي جُحْرِهَا، وَحَتَّى الْحُوتَ لِيُصَلُّونَ عَلَى مُعَلِّمِ النَّاسِ الْخَيْرِ».

Абу Умома Боҳилий (розияллоху анху)дан ривоят қилинади, у киши бундай дейди: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)га икки киши зикр қилинди: бири олим ва бири обид. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Олимнинг обидга нисбатан афзалли-

ги худди менинг сизларнинг ичингизда энг паст даражадаги одамга нисбатан бўлган афзаллигим кабидир”, дедилар. Сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари ва осмонлару ерларнинг аҳли, ҳатто ўз унидаги чумоли ва ҳатто (дарё ва денгизлардаги) балиқлар одамларга яхшиликни ўргатувчига яхшиликни сўраб дуо қилишади**”, дедилар (Имом Ибн Можа ривояти).

Мазкур ҳадиси шарифда ҳам илм ва илм аҳли даражаси нақадар юксак экани билдирилган.

Абу Нуъайм Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилади. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: **“Аллоҳга қилинган ибодатларнинг энг улуғи динда фақиҳ бўлишдир. Шайтон учун битта фақиҳ олим мингта обиддан кўра оғирроқдир. Ҳар нарсанинг устуни бўлгани каби бу диннинг ҳам устуни бор. У фикҳдир”** (Имом Термизий ва Ибн Можа Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилишган).

Мазкур ҳадиси шариф матнида келган “фикҳ” калимаси мутлақ илм маъносида қўлланган. Албатта, фикҳ илми илмларнинг бир қисми бўлиб, фикҳ илмининг ўзига хос фазилати бор.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Инсон вафот этиши билан (мана шу) уч нарсадан ташқари ҳамма амали узилади: садақаи жория, фойдали илм ёки ҳақиқага дуо қиладиган солиҳ фарзанд”** (Имом Бухорий ривояти).

Бу ҳадиси шарифда илмнинг фазилати ўзига хос тарзда баён қилинмоқда. Илм ўрганиш ва ўргатишнинг ажру савоби ниҳоятда улуғ бўлиб, савоби ҳеч қачон тўхтамайди. Илм ўрганишнинг ўзига хос фазилати бўлганидек, илм беришнинг ҳам ўзига хос фазилатлари мавжудлиги мана бу ҳадиси шарифда таъкидлаб қўйилган.

Муоз ибн Анас (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Илм ўргатган кишига илмга амал қилган кишининг савоби(дан бирон нарса) камаймаган ҳолда амал қилган кишиникидек етади”** (Имом Ибн Можа ривоят қилган).

УЛУҒ ЗОТЛАР ИЛМ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) Қумайлга: «Илм молдан яхшидир, у сени муҳофаза қилади, молни эса сен қўриқлайсан. Илм ҳоким, мол маҳкумдир. Мол нафақа қилиш билан камайса, илм зиёда бўлади», деган.

Али (розияллоҳу анҳу) яна айтади: «Олим киши кечалари қойим, кундузлари рўзадор Аллоҳ йўлидаги кишидан афзалдир. Олим вафот этса, Исломда бир ёриқ пайдо бўлади. У ёриқни фақат олимнинг ўринбосаригина тўлдиради». Абдуллоҳ ибн Муборақдан: «Комил инсонлар кимлар?» деб сўрашганда у зот: «Олимлар», деб жавоб берди. Яна: «Подшоҳлар ким?» деб сўрашди. «Зоҳидлар», дея жавоб қилди. «Пасткашлар

ким?» деган саволга эса: «Дин номидан дунё ейдиганлар», деб жавоб берди.

Ибн Муборак олимлардан бошқасини комил инсон демади. Чунки инсонни ҳайвонлардан ажратиб турадиган асосий хусусияти ақл бўлса, ақлни пешлайдиган нарса илмдир. Инсон нима билан шарафли бўлса, ўша нарса туфайли инсондир. Унинг афзаллиги жисмоний қувватида эмас. Зеро, туя инсондан анча бақувватдир. Жисмнинг катталиги билан ҳам афзал эмас, зеро, фил ундан каттароқдир. Афзаллик шижоат билан ҳам ўлчанмайди, чунки йиртқич ҳайвон ундан кўра шижоатлироқдир. Еб-ичиш билан ҳам афзал эмас, хўкизнинг қорни уникидан каттароқ. Демак, инсон фақат ўз ақли ва илми билан бошқа жонзотлардан ажралиб туради. Зеро, унинг бу дунёда яратилганидан асосий мақсад Раббисини таниб, ибодат қилишидир. Раббисини таниш учун илм ўрганиши лозим.

Ҳақимлардан бири айтади: “Мен икки кишига ачинганимчалик бошқа ҳеч кимга ачинмаганман: илмни тушунмасдан туриб ўрганган кишига, илмнинг муҳимлигини тушуниб, уни ўрганмаган кишига”.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) илм ўрганиш ва ўргатиш ҳақида айтади: “Илм ўрганинлар, зеро, уни ўрганиш Аллоҳдан кўрқиш, уни талаб қилиш ибодат, музокараси тасбеҳ, уни излаш бамисоли жидду жаҳд қилиш, билмаганга ўргатиш садақа, уни ўз аҳлига билдириш Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишидир. Илм танҳоликда ҳамроҳ, хилватда дўст, тўғри йўл кўр-

сатувчи далил, хурсандлигу хафалик пайтида кўмакчи, дўстлар олдида вазир, бегоналар олдида яқин дўст ва жаннат йўлининг машъалидир. Аллоҳ илм билан қавмларни юксалтириб, етакчи қилиб қўяди. Улар одамларни яхшиликка етаклайди, бошқалар уларнинг изидан юради, қилган ишлари эътиборли бўлади”.

Яҳё ибн Муоз: “Олимлар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларига ота-оналаридан ҳам меҳрибондир”, деди. “Нима учун?” деб сўрашди. “Ота-оналар фарзандларини дунё оташидан ҳимоя қилади, олимлар эса уларни охираат олови – жаҳаннамдан муҳофаза этади”, деб жавоб берди.

ИЛМ ОЛИШДА ТЎҒРИ НИЯТЛИ ВА ИХЛОСЛИ БЎЛИШ

Маълумки, илм олиш энг улуғ неъмат ва ибодатлардан биридир. Албатта, бошқа ибодатларда бўлгани каби бу улуғ ибодатда ҳам ният муҳим ўрин тутаети. Келинг, ният, унинг фазилати ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтайлик.


“Ният” сўзи арабча бўлиб, луғатда қайсидир ишни бажаришга қасд қилишни англатади. Истилоҳда эса бирор ишни қилишда Аллоҳ таолога яқинлашишни ва унга тоатни ва ихлосни қасд қилиш назарда тутилади.

Салафи солиҳларимиз: “Дунёдаги энг азиз нарса бу ихлосдир”, дер эдилар. Нима учун ихлос энг азиз нарса, деган саволга жавоб топиш учун, аввало, ихлос ўзи нима эканини билиб олишимиз лозим.

Баъзи одамлар ихлос деганда инсон ўзига-ўзи: “Мен холис Аллоҳ учун илм ўрганишни ният қилдим”, дейишини тушунадилар. Фақат тилдагина ният қилиш тўғри эмас. Бундай инсон худди олдида турган егуликларни ейиш ўрнига шунчаки тили билан, “ейишни ният қилдим”, деб ўтирган оч одамга ўхшайди. Мисолимиздаги овқатни ейилмагани қанчалик рост бўлса, “Мен холис Аллоҳ учун илм ўрганишни ният қилдим”, деб тил билан ният қилганларнинг ихлослари йўқлиги ҳам шунчалик ҳақиқатдир.

Аслида ихлос тил билан айтиладиган бир неча сўзлар жамланмаси эмас. Ихлос банда ва Аллоҳнинг ўртасидаги сир бўлиб, бошқа ҳеч ким унинг ҳақиқатини кўра олмайди. На фаришта ва на шайтон. Чунки ихлос тилнинг эмас, қалбнинг иши. Қалбда нима борлигини эса фақат ва фақат Аллоҳ таологина била олади.

Ихлос бу инсон бирор-бир иш қилаётган вақтида ўша иши орқали фақат ва фақат Аллоҳ таолонинг розилигини мақсад қилишидир. Бунга бошқа нарсалар шерик бўлиши мумкин эмас. Агар бошқа нарсалар ҳам шерик бўлса, Аллоҳ таоло бундай ишни қабул қилмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда бундай марҳамат қилади:

﴿فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾


“Бас, кимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу

амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч кимни (унга) шерик қилмасин!” (Каҳф сураси, 110-оят).

Ихлос бу ниятдир. Илм олиш эса ибодат. Ҳеч бир ибодат ниятсиз, аниқроғи холис ниятсиз қабул бўлмайди, савобга ҳам сабаб бўлмайди. Шунинг учун бу масалада ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Чунки неча-неча йиллик меҳнат ва машаққатларимиз бесамар кетиб қолиши мумкин. Ҳатто инсон қилган меҳнати эвазига нияти бузуқлиги сабаб гуноҳ орттириб олиши эҳтимолдан холи эмас. Буни эса ҳеч бир мусулмон киши ва муслима аёл истамайди, албатта.

Ният тўғрисида сўз борар экан, Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»идаги биринчи ҳадисни эсга олмасликнинг иложи йўқ.

عن عمر رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله – صلى الله عليه وسلم – يقول: إنما الأعمال بالنيات، وإنما لكل امرئ ما نوى. رواه البخاري.

Умар (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): **“Албатта, амаллар ниятлар биландир. Ҳар бир киши учун ният қилган нарсаси бор”**, дедилар» (Имом Бухорий).

Имом Бухорий бу ҳадисни динимиз асоси саналган буюк ҳадислар тўпламига бежиз киритмаган. Бу ҳадис барча мусулмон олимларини оммаси учун бирдек қадрлидир. Муфассирлару муҳаддислар, фақиҳлару муфтийлар ундан

бирдек фойдаланадилар. Бу ҳадиснинг ҳукми ҳар бир соҳага тааллуқлидир.

Муҳаддис уламоларимиз ушбу ҳадисни қуйидагича шарҳлайдилар: албатта, амалларга савоб ва гуноҳ берилиши ниятларга қараб бўлади. Бу ҳадисни шундай тушуниш лозим. Ҳар қандай амалга эрта-қиймат кунида савоб олишимиз учун, албатта, ўша ишга киришаётганимизда Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ниятида бўлишимиз лозим. Илм олиш ҳам худди шундай.

Илм олиш ва унга эришиш катта бахт, Аллоҳ таоло бандасига берган улуғ неъматдир. Ундан унумли фойдаланиш ва шукрини адо этиш эса албатта инсондан машаққатли меҳнатни талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, илм йўлига кирган киши ниятини холис Аллоҳ таолонинг розилигига қаратмоғи лозим. Танлаган илми хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлсин, бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, ниятни тўғри қилиб олиш лозим. Чунки ҳикматларда: “Қанчадан-қанча дунё амаллари борки, гўзал ният сабабли улар охират амалига айланади. Яна қанчадан-қанча охират амаллари борки, ният ёмонлиги сабабли улар дунё амалига айланади”, дейилади.

Ҳар қандай дунёвий ишга қўл урган инсон ҳам тўғри нияти сабаб бу иши учун охират амалига бериладиган улуғ ажрларга эришиши мумкин. Аксинча, дин ишларини қилган инсон ҳам ниятидаги нохолислик сабаб ҳеч қандай савоб олмаслиги, ҳатто ўзига гуноҳ орттириб олиши ҳам мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, илм йўлига кириш энг улуғ ибодат бўлиб, фазли борасида унга тенг

келадиган ибодатлар деярли йўқ. Шундай улуғ ибодатга қўл урсак-да, аммо ниятимиз ёмонлиги сабаб унинг савобидан ажраб қолсак, бу яхши ҳолат эмас, албатта.

Шунинг учун уламоларимиз илм олувчига ниятини тўғри қилишлари ҳақида берган ўғитларини ўрганишимиз ва албатта, уларга амал қилмоғимиз лозим.

Ўқувчи илм олишдан олдин куйидагиларни мақсад қилмоғи лозим:

1. Аллоҳ таолонинг розилиги.

Инсоннинг бу дунёдаги энг буюк мақсади Аллоҳ таолонинг розилигига эришишдир. Шу сабаб у қиладиган барча ишлардан айнан шу мақсадга элтувчи восита сифатида фойдаланмоғи лозим. Олинаётган илм қандай бўлишидан қатъи назар, ўқувчи бу илм орқали Аллоҳнинг розилигига эришишни ният қилиши керак. Бу масалада илм диний ва дунёвий илмларга бўлинмайди. Чунки ҳар қандай илм юқорида айтилганидек, ниятга қараб ё фойда, ё зарар келтириши мумкин.

عن كعب بن مالك رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «من طلب العلم ليحاري به العلماء أو ليماري به السفهاء أو يصرف به وجوه الناس إليه أدخله الله النار»
رواه الترمذي.

Имом Термизий Каъб ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай

деганларини эшитдим: **“Кимда-ким олимлар билан тортишиши ёки нодонларни енгиши, ёки одамларни ўзига қаратиши учун илм талаб қилса, Аллоҳ таоло уни дўзахга киритади”.**

2. Халққа кўмаклашиш.

Илм олишда, аввало, инсон илмсизликдан чиқишни қасд этса, сўнгра бошқаларга илм билан фойда етказишни ният қилиши керак бўлади. Қайсидир соҳада илм олишни бошлаган инсон, аввало, Аллоҳнинг розилигини мақсад қилганидан сўнг, омманинг шу соҳадаги камчиликларини бартараф этишни ҳам ният қилиши лозим. Шунда у бу иши учун янада кўпроқ савобга эга бўлади.

Амалларга бериладиган савоблар ўша амалнинг ҳукмига қараб бўлади. Масалан, фарз амалга бериладиган савоб ҳар қандай вожиб ва суннат амалларга бериладиган савобдан улуғ бўлади. Вожиб амалга бериладиган савоб эса бошқа барча суннат, мустаҳаб ва мубоҳ амалларга бериладиган амалларнинг савобидан афзалроқ ва улуғроқ бўлади.

Маълумки, мусулмонлар яшайдиган жамиятда қайси соҳада қолоқлик бўлса, ислом шариати ўша соҳани ўрганишни ва уни ривожлантиришни фарз (фарзи кифоя) даражасига кўтаради. Шу касбни эгаллаганларга бериладиган савоб бошқа касб эгаларига бериладиган савобдан афзалроқ бўлади. Чунки бу икки касбнинг ҳукми ҳар хил. Бири мубоҳ, иккинчиси эса фарзи кифоядир. Фикҳдаги асосий қоидалардан бири айнан шу ҳақда бўлиб, унга кўра ҳар қандай фарз амал

вожиб ва суннат амалдан кўра афзал ҳисобланади.

Бу дунёдаги энг улуғ мақсад Аллоҳнинг розилигига эришиш экан, илм йўлига кираётганда иқтидори ва хоҳиши бўлса, ислом умматини қолоқ бўлиб келаётган соҳадан илғорликка кўтаришни танлаши мақсадга мувофиқдир. Бу орқали у фарзи кифоя бўлган илмни танлаб, бошқалардан кўра кўпроқ савоб эга бўлади. Бундан ташқари мусулмонларнинг шу соҳадаги оғирларини енгил қилгани учун ҳам бандаларнинг дуоларига, ҳам Аллоҳ таолонинг ёрдамига ноил бўлади. Чунки банда биродарининг кўмагида экан, Аллоҳ ҳам унинг кўмагида бўлади.

3. Амал ва яна амал.

Илмнинг фарз бўлишига сабаб унинг амалга сабаб эканидир. Аслида биз бандаларга Раббимиз Аллоҳ буюрган нарсаларга амал қилиш фарз этилган. Аммо уларга амал қилиш учун илм керак. Шу сабабдан ҳам илм олиш фарз. Бу худди оловдан эҳтиёт бўлиш учун унинг нима эканини билиш керак бўлгани каbidир.

Бу ерда яна бир масала борки, амалнинг ҳукми қандай бўлса, унга сабаб бўладиган илмнинг ҳукми ҳам шундай бўлади. Масалан, намозга доир илмларни ўрганиш ҳамма учун фарз. Чунки намознинг ўзи ҳамма учун фарз. Тижоратга тегишли илмларни ўрганиш эса тижоратчи учун фарз бўлади. Чунки тижоратчи учун ўзи эгаллаган касбда ҳаромдан сақланиш фарз. Бунинг учун эса илм олиш зарур.

Амал илмнинг меваси ва самарасидир. Агар илм бўлса-ю, амал бўлмаса, унда бу фойдасиз иш бўлади. Бу дунёда фойда бермаган илм эса эрта қиёмат куни албатта зарар беради. У ўз соҳибига қарши Аллоҳнинг ҳузурида гувоҳлик беради.

Ихлосга – холис ниятга эришиш ҳамда қалбдан бошқа дунёвий ғаразларни олиб ташлашнинг қандай йўли бор?

Бу саволнинг жавоби бу – илм. Ҳа, илм, яъни билимни ҳосил қилиш. Аллоҳ таоло борлиқдаги барча нарсанинг эгаси, ҳукмдори эканини ва Аллоҳ таоло холис Ўзи учун қилинмаган амални қабул қилмаслигини билиш ва шунга мувофиқ амал қилиш. Ихлосни йўққа чиқарувчи ишларни билиб олиш ва улардан сақланиш. Улар қуйидагилардир:

1. Тамагирлик.

Унинг давоси эса инсонлар бериши мумкин бўлган нарсалардан юз ўгириш ва қалбни Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги битмас-туганмас улуғ неъматларга боғлаш.

2. Мақтовни яхши кўриш.

Бунинг давоси эса Аллоҳнинг Ўзи рози бўлган бандагина ҳақиқий мақтовга лойиқ эканини билиш ва албатта, шу мақсад томон интилишдир.

3. Риё (хўжакўрсин учун қилиш).

Риё ихлосни кетказувчи энг катта иллатдир. Бу иллатни даволаш учун риёнинг зарарли жиҳатларини тафаккур ва тадаббур қилиш лозим бўлади. Албатта, риё сабабли барча хайрли

амаллар савобсиз қолади. Балки риё билан ба-
жарилган ишлар ширк амал ҳисобланади. Унинг
гуноҳи ва азоби бор.

وعن محمود بن لبيد أن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «إن
أخوف ما أخاف عليكم الشرك الأصغر» قالوا: يا رسول الله
وما الشرك الأصغر؟ قال: «الرياء». رواه أحمد.

Маҳмуд ибн Лабид (розияллоҳу анҳу)дан ри-
воят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам): **“Албатта, сизларнинг устингизда қўрқа-
диган нарсанинг энг қўрқинчлиси кичик ширк”**,
дедилар. Шунда саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ, ки-
чик ширк нима?” дедилар. Расулуллоҳ (соллал-
лоҳу алайҳи ва саллам): **“У риёдир”**, деб жавоб
бердилар (*Имом Аҳмад ривоят қилган*).

4. Ўзига бино қўйиш.

Ўзига бино қўйганлар, одатда ўзларининг
катта ишлари билан фахрланадилар. Дейлик,
ўша катта иш аслида билганига амал қилиши-
дир. Чунки амал мақтанишга арзийдиган энг
катта нарса. Лекин Аллоҳ таоло бундай неъмат-
ни ундан олиб қўйиши ҳеч гап эмас. Шунинг
учун доимо инсон ўзидаги бор нарсаларни
Аллоҳнинг фазли деб билиши, Аллоҳ берган
неъмат сабаб ўзига бино қўймаслиги лозим.
Чунки Аллоҳ таоло ундан неъматларини олиб
қўйишга қодир Зотдир. Мол-мулк, обрў-эъти-
бор, куч-қудрат, мансаб-мартаба ва яна шунга
ўхшаш нарсалар ҳам мана шу ҳукмдадир. Аллоҳ-
нинг наздидаги энг қадрли нарса амал билан

ҳам мақтаниш мумкин эмасми, демак, бошқа дунё матоҳларини қўяверинг.

5. Ўзгаларни менсимаслик.

Ўзгаларни менсимаслик, уларга паст назар билан қарашликдан Ислом дини қайтаради. Аллоҳнинг наздида энг мукаррам инсон бу энг тақводор инсондир.

﴿إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَنْقَرَكُمْ﴾

“Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир” (Хужурот сураси, 13-оят).

Аслида биз баъзан писанд қилмаётган, менсимаётган, паст назар билан қараётган инсон Аллоҳнинг наздида биздан кўра тақводорроқ ва азизроқ бўлиши мумкин. Кимнинг тақводорроқ экани ёлғиз Аллоҳгагина аён, бизга эмас. Шу сабаб ҳам ўзгаларга паст назар билан қарамаслик лозим. Акс ҳолда, Аллоҳ азиз деб билган инсонни менсимамай Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиққан бўлиб қолишимиз мумкин. Нақадар хавфли ва даҳшатли ҳолат, Аллоҳ бундан барчамизни Ўзи сақласин.

Илм истовчи инсон доимо ниятини тўғри-лаб юриши лозим. Нияти ёмонлашганини сезган заҳоти Аллоҳга истиғфор айтиши ва дарҳол ниятини ислоҳ қилиш муолажаларини бошлаши лозим. Шунингдек, илм талабини ҳам ташлаб қўймасин. Шунда илмнинг баракаси сабаб у ниятини ҳам ислоҳ қилишга эришади.

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Инсон илм ва унинг самарасига эришиши одоб ва ахлоқларга риоя қилиш билан бўлади. Аввало, илм берувчи устозларга эҳтиром кўрсатиш лозим. Китобларимизда ва устозларнинг ўғитларида бу каби одоблар қайд қилинади. Устозлардан изн ва маслаҳат билан иш қилиш, улар олдида кўп гапирмаслик, ўрнида ўтирмаслик, ҳеч қачон малолантирмаслик ва бошқа одобларга риоя қилиш лозим. Зеро, ҳар бир нарсага, хоссатан, илмга одоб билан эришилади.

Илм ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёжларидан биридир. Шу бўлмаса, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти бўлмайди. Инсон барча соҳаларда етарли илмга эга бўлиши зарур. Дарҳақиқат, моддий камолотга маънавий камолотсиз етиб борилмайди.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш – онгсиз ва руҳсиз махлуқларга хос. Маънавиятли бўлишга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш инсонга хос фазилятдир.

Албатта, маънан ва жисмонан комилликка эришиш учун устоз кўмаги зарур. Бу ҳақда уламолар ҳаётдан бир нечта ибратли воқеаларни мисол келтириш мумкин.

Шайхулислам Бурҳониддин Марғиноний (раҳматуллоҳи алайҳ)дан ҳикоя қилинади: Бухорои

шарифнинг катта алломаларидан бири дарс бериш асносида гоҳо ўринларидан туриб қўярди. Шогирдлари бунинг сабабини сўради. У зот камоли эҳтиром билан: “Меҳрибон устозимнинг фарзандлари кўчада болалар билан ўйнаб юрибди. Гоҳ ўйнаб эшик олдига келса, дарҳол устозимнинг ҳурматлари учун ўрнимдан туряпман”, деб жавоб берди.

Яна ҳикоя қилинадики, Имом Бухорий Маккаи мукаррамада дарс бераётган кезларида бир зиёратчи Бухорои шарифдаги устозларидан салом ва мактуб олиб келади. Шунда меҳмон устозларининг юртидан келганини билиб, қучоқ очиб кўришиб, унга ҳурмат изҳор қилади. Сўнг салом хабарини эшитганида, Бухорои шариф томонга юзланиб, саломга алик олиб, ҳурмат бажо келтиради. Кейин мактубни икки қўллаб олиб, эҳтиром билан хатни ўқиган экан.

Қаранг, қандай ибратли воқеа. Устозлари узоқда бўлса-да, ҳузурида тургандек ҳурмат бажо келтирди. Балки улуғ алломаларнинг ўз даврида етишган юксак илмий даражаларининг сабабларидан бири шу бўлса, ажаб эмас.

Ҳикоя қилинишича, Ҳорун ар-Рашид ўғлини Имом Асмаий (раҳимаҳуллоҳ) ҳузурига илм ва одоб ўрганиш учун юборди. Бир куни устози таҳорат олаётганини, ўғли эса оёғига сув қуйиб турганини кўриб халифа устоз Имом Асмаийга: “Мен сизнинг ҳузурингизга ўғлимни илм ва одоб ўргансин деб жўнатган эдим, шундай экан, нима учун бир қўли билан сув қуйиб, бошқаси билан оёғингизни ювишни буюрмайсиз?!” деган экан.

Алишер Навоий буюк асари “Хамса”ни ёзиб тугатгач, Султон Ҳусайн Бойқаро у зотни саройга таклиф қилади. Ўзи пешвоз чиқиб, кутиб олади, аркони давлат – амирлар, вазирлар, уламо ва фузало ҳозирлигида шоирга шоҳона кийимларни ўз қўли билан кийгизади, кумуш билан зийнатланган эгар-жабдуқли оқ арғумоққа мингазади. Тантана шу билан тугамайди. Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий минган от жilовини тутганича Хуросон мамлакатининг пойтахти бўлмиш Ҳиротнинг бош кўчаларини айлантириб чиқади. Халойиқ уларни олқишлайди. Бири буюк асар яратгани учун, иккинчиси шу асар яратувчисининг қадрига етгани учун шундай олқишларга сазовор бўлди. Бу буюк асарнинг шоҳона тақдирланиши эди.

Биргина олимнинг қилган хизматига подшоҳ тарафидан шунча иззат, шунча ҳурмат. Подшоҳларнинг подшоҳи Аллоҳнинг мукофоти чексиз эканида шак-шубҳа йўқ, албатта.

Демак, устоз ҳурматига риоя қилиш, хизматларига қоим бўлиш, унинг кўнглида муҳаббат ва ризолигини топиш ҳар бир илм истагида бўлган кишининг ҳаётий вазифасига айланмоғи керак экан. Бу эса, илмидан ўзи ҳам, бошқалар ҳам манфаат топишига асосий омиллардан биридир.

ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛИШДА ОДОБНИНГ ЎРНИ

Ислом одоб динидир. Пайғамбар (алайҳис-салом) энг гўзал одобларни етказиш учун юборилганликларини баён қилиб бундай дедилар:

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: انما بعثت لأتمم صالح الأخلاق. رواه أحمد.

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): **“Мен яхши ахлоқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилдим”**, дедилар (Имом Аҳмад).

Ислом дини ҳар бир ишни мукамал даражада пухталиқ билан бажаришга буюради. Шунингдек, динимиз ҳар бир ишда одоб-ахлоқ масалаларига ҳам катта эътибор қаратади. Қуръони карим, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг суннатлари ҳамда буюк уламои киромларимизнинг панд-насиҳатлари бизни одоб ва гўзал хулқ билан зийнатланишга чақиради. Уламоларимиз бутун умрларини илм ҳосил қилишга сарфлаганлар. Улар фақат илм олибгина қолмай, эгаллаган билимларини одоб билан безаганлар. Ҳаётлари давомида орттирган тажриба ва кўникмалари билан барчага намуна бўлиб, ўзларидан кейин шогирдларига мана шу одобларга амал қилишларини васият қилиб кетганлар. Бу насиҳатлари билан шогирд-

ларининг кўзлаган мақсадларига, яъни илмга тезроқ етишларини ният қилганлар.

“Дунёни гўзаллик қутқаради”, деган машҳур гап бор. Ана ўша гўзаллик ташқи кўринишда эмас, балки ички дунёнинг гўзаллигидир десак, ҳеч ҳам хато бўлмайди. Аммо фақат ташқи кўринишга қараб баҳо берадиган баъзи кимсалар дунёни фақат ички, яъни хулқий гўзалликига қутқара олишини тан олмоқдалар. Ислом дини эса бу нарсани ўн тўрт аср илгари эълон қилган ва бу ички гўзалликни “ҳусни хулқ” деб атаган.

Илм талаб қилиш эса, энг муҳим иш ва энг муҳим ибодатдир. Чунки ҳусни хулқ ҳам илм билан ўрганилади. Илм толибига илм олиш қанчалик муҳим бўлса, илм одобларини билиши ҳам шунчалик муҳимдир. Бу одоблар талабага илм олишни осонлаштиради, илмига барака ҳамда номаи аъмолига гўзал битиклар ёзилишига сабаб бўлади.

Бу одобларга фақат мактаб ёки мадрасада ўқийдиган ўқувчи ва талабалар учун эмас, балки касби-коридан қатъи назар, ҳар бир мўмин-мусулмон амал қилиши лозим. Чунки мусулмон киши у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, умри давомида сўрайди, сўралади. Савол бериш эса илмнинг ярмидир. Шу сабабли, илм олиш одоблари мавзуси барчага бирдек қизиқарлидир.

ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИНИНГ ОДОБЛАРИ

Толиби илм амал қилиши керак бўлган одобларни умумий ҳолда иккига бўлиш мумкин.

1. Толиби илмнинг ўзига тегишли бўлган одоблар.

Талаба уларга доимо амал қилмоғи лозим.

2. Толиби илмнинг ўзгаларга нисбатан одоблари.

Ушбу одоблар ҳам ўта муҳим. Зеро ўзгалар билан чиройли муносабатда бўлиш инсон хулқининг гўзаллигига далолатдир. Гўзал хулқ эса имоннинг комиллиги белгисидир.

Аввало, илм толиби ўзи амал қилиши лозим бўлган одоблар ҳақида сўз очсак. Улар юқорида айтганимиздек, инсонга зарур бўлган энг асосий одоблар ҳисобланиб, қуйидагилардир:

1. Қалбини поклаш.

Илм қалбга ўрнашади. Шу сабаб у ҳар хил қалб касалликларидан пок бўлиши лозим. Қалб пок бўлса, унга илм мустаҳкам ўрнашади ва баракали бўлади. Қалб ерга, илм эса уруғга ўхшайди. Агар ер яхши бўлса, уруғ ҳам яхши унади. Ер ёмон бўлса, унда ҳеч нарса кўкармайди.

Толиби илм, аввало, қалбини поклаши, уни кибр, риё, манманлик ва бошқа зарарли иллатлардан халос этиши керак. Шундагина у илмга эришади ва энг муҳими – олган илми юртига, ўзига ва ўзгаларга ҳар икки дунёда фойда келтиради.

2. Тўғри ният қилиш.

Киши олаётган илми орқали Аллоҳнинг розилигини, илмига амал қилишни, динига, халқига, ота-онасига хизмат қилишни, инсонларнинг қалбига маърифат зиёсини олиб киришни қасд қилиши лозим.

Илм олишдан мол-дунё, обрў-эътибор топишни мақсад қилмаслик керак. Илм Аллоҳнинг улуғ неъматидир. У билан дунёнинг арзимас ва ўтқинчи матоҳларига етишишни эмас, аксинча, Аллоҳнинг розилигига эришишни мақсад қилиш лозим ва лобуддир. Ана шунда тўғри ният қилинган бўлади.

Суфён Саврий (раҳматуллоҳи алайҳ) ниятнинг ўта муҳимлиги, уни доимо назорат қилиб туриш кераклигини баён қилиб бундай деган: “Мен ҳаётим давомида энг кўп муолажа қилган нарсам бу – ниятимдир”.

3. Ўзини бутунлай илмга бағишлаш.

Толиби илм туну кун умрининг ҳар бир лаҳзасини илм олишга сарфлаши лозим. Шунинг учун уламоларимиз: “Сен илмга борингни бермагунингча у сенга ҳеч нарса бермайди”, деганлар. Бу сўзни яхшилаб мулоҳаза қилинадиган бўлса, илм олишнинг ўзига яраша машаққатлари борлиги аён бўлади. Зеро, ўтган уламолар илм олишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатганлари ҳам бежиз эмас.

Аслида дунёда илмдан кўра лаззатлироқ нарса йўқ. Аммо илмнинг лаззатини тушуниб етиш, унинг мазасини тотиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун инсон доим илм

билан ҳамнафас бўлиши, унга ошиқ бўлмоғи, энг муҳими, Аллоҳ таоло уни шунга муваффақ қилиши лозим.

4. Аллоҳга доимо дуо қилиш.

Талаба илмдан холи вақтларида Аллоҳнинг зикри билан, Ул зотга дуо қилиш билан банд бўлиши керак. Зеро, илм Аллоҳнинг нуридир. Аллоҳ таоло нурини Ўзи истаган бандасигагина беради. Шу сабаб банда Раббисидан илм беришини, берганда ҳам фойдали илм беришини сўраши лозим. Чунки инсон ўрганадиган барча илмлар ҳам унга фойда бермаслиги, баъзилари унинг зарарига ишлаб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

5. Кўп овқат емаслик.

Кўп овқат ейиш инсонларда эмас, балки ҳайвонларда мақталадиган сифатдир. Бундан ташқари, кўп таом ейиш кишини кўп сув ичишга мажбур қилади. Кўп суюқлик истеъмол қилиш эса, ўз-ўзидан уйқуни чақиради. Натижада талабанинг қимматли вақти уйқу билан бекор ўтиб кетади.

Толиби илмларимиз учун овқатланиш масаласида энг тўғри ўрнак бу, албатта, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўзларидир.

عن المقداد بن معد يكرب عن النبي – صلى الله عليه وسلم – أنه قال: ما ملأ ابن آدم وعاء شراً من بطنه، بحسب ابن آدم لقيمات يقمن صلبه، فإن كان لا بد فاعلاً فثلث لطعامه وثلث لشرابه وثلث لنفسه. رواه الترمذي وحسنه.

Миқдод ибн Маъдиқариб (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: **“Одам боласи тўлдирган идишлар орасида энг ёмони бу унинг қорнидир. Аслида одам боласига ўзини тик тутиб туриши учун бир неча луқмалар кифоя қилади. Жуда бўлмаса, қорнининг учдан бирини таомга, иккинчи учдан бирини сувга, охирги учдан бирини эса ҳавога қолдирсин”** (Имом Термизий ривоят қилган).

Мана шу ҳадисдаги кўрсатмага амал қилган толиби илм касал бўлмайди ва илм олиши ҳам давомли бўлади.

6. Кам ухлаш.

Албатта, бунга инсон соғлигига зарар қилмайдиган даражада амал қилиш керак. Бир кеча-кундузда саккиз соатдан ортиқ ухламаслик тавсия қилинади. Чунки баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра кун учга бўлинади. Шунда учта саккиз соатлик ҳосил бўлади. Бирида дарс қилади, яна бирида ўзининг юмушларини бажаради, охиргисида эса баданига дам беради.

Уламолар инсон танаси ёки нафси зўриқиб, малолланиб қолиш даражасидаги ишларни ман этадилар. Яъни, инсон ҳаддан ташқари кам ухлаб, ўзини қийнаши мумкин эмас. Чунки бунда нафс малолланади, тана зўриқади ва натижада талаба илмдан буткул узилади. Ундан кўра ўзига меъёрни лозим тутиб, илмда бардавом бўлиши афзалдир. Зеро, бу хусусда қуйидаги ҳадиси шариф ривоят қилинади.

وعن عائشة قالت: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:
«أحب الأعمال إلى الله أدومها وإن قل». متفق عليه.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Аллоҳ таолога амалларнинг энг суюқлиси оз бўлса-да бардавом бўлганидир”**, дедилар (“Муттафақун алайҳ”).

ТОЛИБИ ИЛМНИНГ ЎЗГАЛАРГА НИСБАТАН ОДОБЛАРИ

Одобнинг иккинчи қисмида, юқорида айтганимиздек, талабанинг устозлари ва шериклари билан ўзаро мулоқот пайтида амал қилиши керак бўлган одоблари ҳақида сўз боради. Булар хулқий одоблар бўлиб, қуйидагилардир:

1. Устоз танлашда шошмаслик ва Аллоҳга истихора қилиш.

Салафи солиҳларимиз: “Илм бу диндир, шунинг учун уни кимдан олаётганингизга эътибор беринглар”, дея насиҳат қилар эдилар. Толиби илм, аввало, қалби рози бўладиган устозни танлаб олиши лозим. Агар талаба устоз танлашда шошса, ўзига маъқул келмайдиган устозни танлаб, кейин уни ташлаб бошқа бирининг ҳузурига борса, унинг илмида барака бўлмайди. Бундан ташқари, олдинги устози ранжиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун бу ишда чуқур ўйлаб қарор қабул қилиш талаб этилади.

2. Устозга ҳурмат ва итоат.

Толиби илм устозига барча ишларда бўйсунуши ва тавозели бўлиши лозим. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қариндош бўлишларига қарамасдан, катта саҳобалардан дарс олишда ўта тавозели бўлар эдилар. У кишидан бу ҳақда сўрашганда: “Биз уламоларимизга шундай муомала қилишга буюрилганмиз”, деб жавоб берган.

Устоз билан бўладиган ҳар қандай муомалада имкон қадар ҳурматни ва эъзозни ифодаловчи ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Масалан, доимо устозининг ҳақиға дуои хайр қилиш, унинг танбеҳ ва койишларига сабр қилиш ва улардан тўғри хулоса чиқариш, бир жамоат ичига кирганда барчага умумий ва устозига алоҳида салом бериш, устозининг изнисиз ҳузурига кирмаслик, ҳузурида одоб билан ўтириш, хушмуомалалик билан гапириш, сўзларини диққат билан эшитиш, устозининг сўзини бўлмаслик, устоз нимадир узатса, уни ўнг қўл билан олиш, устоздан олдинга ўтиб юрмаслик, унга нисбатан муносабатларда самимий бўлиш, устоз ҳазил қилган пайтларда у билан барабар ҳазил қилмаслик, балки ҳаддини билиш, устоз ўзига қанча яқин олган тақдирда ҳам шогирдлик мақомида туриш ва ҳоказолар. Бу айтилган одобларга азиз уламоларимиз ҳаётидан мисоллар излайдиган бўлсак, жуда кўп ибратли ҳолатларни топишимиз мумкин. Умуман олганда, устозга ҳурмат масаласи жуда кенг

мавзу бўлиб, бу ҳақда алоҳида китоблар таълиф қилинган.

3. Сабоқдош шерикларини ҳурмат қилиш.

Киши ўзи билан бирга таълим оладиган шерикларини ҳам ҳурмат қилиши керак. Чунки улар илм йўлида орттирган дўстлари бўлиб, ҳеч қандай дунёвий манфаатни кўзламайдилар. Шу боис толиби илм доимо дўстларига эҳтиром кўрсатмоғи, катталарини ҳурмат, кичикларини эса иззат қилмоғи лозим бўлади. Зеро, бу иши олаётган илмининг унга манфаат бериши учун энг катта омиллардан бири ҳисобланади.

4. Дарсни, аввало, Қуръони каримни ўрганиш билан бошлаш.

Чунки Қуръон илмларнинг энг улуғи, Аллоҳнинг каломидир. Унинг бошқа илмлардан афзаллиги Аллоҳнинг бошқа нарсалардан афзаллиги кабидир.

Қуръон – динимизнинг асосий манбаси. Асосий манба, албатта, энг аввал ва энг муҳим бўлишга лойиқдир. Тарихдаги ислом умматининг ҳар хил соҳалардаги даҳолари ҳаётига назар солсангиз, кўплари ёш пайтидан қори бўлиб улгурганларини кўриш мумкин. Уларнинг келажакдаги муваффақиятларига ҳам айнан Аллоҳнинг каломи сабаб бўлса, не ажаб.

5. Талаба дўстларига кўмак бериш.

Илм толибининг ўз тажрибаси орқали ўрганганларини бошқа талабалар билан баҳам кўриши, уларга илми етганича насиҳат қилиши ва имкони борича ёрдам бериши ҳам одобдир. Бу орқали у бир мўминга ёрдам берган бўлади. Аллоҳ таоло ҳам биродарига ёрдам берган бан-

даларига кўмак беради. Яхшиликда ўзаро бир-бирига ёрдам бериш тўғрисида Аллоҳ таоло бундай дейди:

وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالتَّقْوَىٰ وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِثْمِ وَالْعُدْوَانِ
وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ

“Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир” (Моида сураси, 2-оят).

Ҳадиси шарифда ҳам бу маъно қайта-қайта такрорланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: وَاللَّهِ فِي عَوْنِ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنِ أَخِيهِ، رَوَاهُ
مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аллоҳ банданинг кўмагидадир, модимики банда биродарининг ёрдамида бўлса»» (Имом Муслим ривоят қилган).

6. Китоблар ва бошқа ўқув қурооларни яхши сақлаш.

Илм олишига сабаб бўлаётган китоб, дафтар, қалам ва бошқа ўқув қурооларини эҳтиёт қилиш, оёқ остига қўймаслик ва албатта, ҳар жойда эътиборсиз қолдирмаслик лозим. Чунки бу нарсалар жонсиз бўлса ҳам, талабага илм

олишида восита вазифасини бажаради. Толиби илмнинг уларга кўрсатган ҳурмати илмга кўрсатган ҳурматидек баҳоланади. Олдинги уламо-лар китобларини кўз қорачиғидек асраганлар. Қитобни олиб ўқишдан олдин уни ўпиб, кўзга суртганлар. Ҳаттоки, қалам учлаганларида тушган қипиқларини ташламай, ерга кўмиб қўйганлар.

7. Чиройли ёзиш.

Олаётган билимларини ёзиб бориш керак. Чунки ёзиб бориш оқибатида илм мерос сифатида кейингиларга қолади. Шунинг учун талаба чиройли ёзишга ҳаракат қилиши керак. Чиройли ёзганда ҳам, ёзув жуда кичкина бўлмаслиги лозим. Уламолар майда ёзишдан қайтариб: “Агар майда ёзсанг, ё ўзинг қийналасан, ё ўзгаларни қийнайсан”, деганлар. Яъни, қариган чоғингда ўзинг ёзган нарсанинг майдалиги сабаб ўқий олмай қийналасан ёки ўзгаларнинг ўқий олмай қийналишларига сабаб бўласан.

8. Илмни яширмаслик.

Аллоҳ таоло қайси бир бандасига илмдан бирор насиба берган бўлса, ўша кишининг зиммасида олган илмини ўзгаларга етказиш, уни яширмаслик вазифаси туради. Киши ўз бойлигидан закот бергани каби ўз илмининг закотини бермоғи ҳам шарт. Илмнинг закоти эса билганини ўзгаларга ҳам ўргатиш орқали бўлади. Шариатимизда ҳам илмни яшириш қаттиқ қораланган. Мол-дунё билан илмдан берилган закотнинг фарқи шундаки, мол-дунё бериш ила камайиб боради. Лекин илм ўзгаларга ўргатиш ила кўпайиб бораверади.

Демак, олган илмимизни яширмай, имкон қадар ўзгаларга етказар эканмиз, бунда бизга иккита фойда бор:

- 1) илмни етказганимиз учун савоб олиш;
- 2) илмни ўзгаларга ўргатганимиз сари бизда ҳосил бўладиган кўникма ва тажриба.

Аслида илм ўргатишдаги фойдаларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Биз юқорида ўша фойдаларнинг баъзиларини санаб ўтдик, холос.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, илм талаб қилувчи ва уни етказувчи шахс, аввало, ўзи ўрганаётган ёки ўргатаётган илмнинг моҳиятини тўла англаб етмоғи лозим. Шундагина у илм олиш ва бериш жараёнидаги одоб-ахлоқ қандай бўлиши лозимлигини тушуниб етади. Қолаверса, талаба илм олиш жараёнида одоб энг муҳим омил эканини тўла англаб етиши лозим. Зеро, уламоларимиз: “Одоби йўқнинг илми йўқдир”, деб бежиз айтишмаган.

Уламолар одобсиз олимга шайтонни яққол мисол қилиб келтиришади. Чунки шайтон Аллоҳ таолонинг даргоҳидан қувилишидан олдин муқаррам фаришталарга дарс берувчи муаллим бўлган. Лекин Аллоҳ таолонинг амридан бўйин товлагани ва беодоблиги туфайли ҳар қанча етук илм соҳиби бўлишига қарамай, Аллоҳнинг даргоҳидан қувилиб, ҳаётлик чоғидаёқ лаънатланиб, жаҳаннамий экани эълон қилинди. Беодоблиги туфайли унга илми ҳам манфаат бермади.

Бундан кўриниб турибдики, илм ва одоб бирини бошқасидан ажратиб бўлмайдиган тушун-

чалардир. Халқимиз орасида “таълим-тарбия” сўзининг кенг ёйилгани ҳам сўзимизнинг исботи десак, муболаға бўлмайди.

ЖАҲОЛАТДАН САҚЛАНИНГ!

Жаҳолат, жоҳиллик араб тили луғатида “билимсизлик”, “нодонлик” деган маънони англатади. Истилоҳда эса жоҳиллик дегани “бир нарсага ўз аслиятига зид ўлароқ эътиқод қилишдир”.

Жаҳолат зулматдир. Жаҳолат ўз соҳибини ҳалокатга олиб боради.

Жоҳил киши ҳеч нарсани билмайди, шу билан бирга билмаслигини ҳам билмайди. Бу тоифа кишилардан эҳтиёт бўлиб юриш лозим. Шунинг учун Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ё Аллоҳ, бизга ҳақни ҳақ деб билдиргин, бизни унга эргашишга муваффақ қил. Бизга ботилни ботил деб билдиргин, бизга ундан узоқлашишни насиб қил”**, деб дуо қилардилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бежизга бундай дуо қилмаганлар. Чунки жоҳиллик инсонни охири берк кўчага етаклайди.

عن حذيفة رضي الله عنه: كان الناس يسألون رسول الله صلى الله عليه وسلم عن الخير وكنت أسأله عن الشر مخافة أن يدركني. رواه البخاري.

Ҳузайфа (розияллоҳу анҳу) айтади: “Одамлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-дан яхшилик ҳақида сўрардилар. Мен эса ёмон-

лик ҳақида сўрардим. Чунки мен (ўзим билиб-билмасдан) ёмон ишларни қилиб қўйишдан қўрқардим” (Имом Бухорий ривоят қилган).

Инсонни жоҳиллик каби бадном қиладиган бошқа бирор иллат йўқ. Жаҳолат инсоннинг ашаддий душманидир. Жоҳил киши билимсизлиги сабабли ўзига душманидан-да кўпроқ зарар етказди. Аллоҳ таоло бандаларига фикрлаш неъматини инъом этган. Инсон илм ўрганса, инсоний мақомини сақлаб қолади. Мабо-до бунинг аксини қилса, инсоний мақомидан қулайди.

Жоҳилликнинг ўзига хос истилоҳлари бор:

1. Мутлақ жоҳил. Ҳеч нарсани билмайдиган кишига нисбатан қўлланади.

2. Мураккаб жоҳил. Бир нарса борасида нотўғри тушунчада бўлган кишига нисбатан ишлатилади.

3. Бефарқ жоҳил. Бу тоифадаги кишилар ўзига зарарли ишни қилишдан тийилмайдилар.

4. Жоҳилликни касб қилувчи. Бу тоифадаги кишилар қилаётган иши нотўғрилигини билса ҳам, ҳаққа бош эгмай, қилаётган ишида давом этадилар.

Қуръони каримда жоҳилликни мазаммат қилувчи бир неча оятлар нозил бўлган.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 119-оятида бундай марҳамат қилади:

﴿ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ عَمِلُوا السُّوءَ بِجَهَالَةٍ ثُمَّ تَابُوا مِنْ
بَعْدِ ذَلِكَ وَأَصْلَحُوا إِنَّ رَبَّكَ مِنْ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

“Сўнгра (билингки), албатта, Парвардигорингиз, билмаган ҳолда ёмонлик – гуноҳ қилиб қўйиб, кейин тавба қилган ва ўзларини тузатган кишилар учун, шак-шубҳасиз, ўша (тавба-тазарруларидан) сўнг Парвардигорингиз (уларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир”.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада “билмаган ҳолда ёмонлик – гуноҳ қилиб қўйиб”, деб марҳамат қилмоқда. Демак, банданинг бирор нарсани билмаслиги уни гуноҳ қилишга олиб боради ва у билмаслиги сабабли жавобгарликдан озод бўлмайди. Бундан барча одамлар эҳтиёт бўлиб яшамоқлари даркор.

Яна Хужурот сурасининг 6-оятида бундай марҳамат қилинади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا أَن تُصِيبُوا قَوْمًا بِجَهْلَةٍ فَتُصْحَبُوا عَلَىٰ مَا فَعَلْتُمْ نَادِمِينَ﴾

“Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда, бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!”

Ояти каримада Аллоҳ таоло фосиқ киши хабар келтирадиган бўлса, уни яхшилаб аниқлаб, хабарни собитлигини текшириб кўришга буюрмоқда. Чунки бирор хабарни яхшилаб ўрганмай туриб ҳукм чиқариш одатда афсус-

надомат қиладиган ишларга сабаб бўлади. Шу сабабдан ҳам биз ҳозирги ахборот ва технологиялар алмашинуви жуда тез суратда ривожланаётган даврда ўзимизга келаётган хабарларни яхшилаб аниқлаб, шунга кўра хулоса чиқармоғимиз лозим.

Жоҳилликнинг ёмон хислат эканлиги борасида кўплаб ҳадислар ва уламоларнинг сўзлари ривоят қилинган. Улардан баъзиларини қуйида келтирамиз.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: **“Қиёмат қоим бўлиш арафасида илм кўтарилиб, жоҳиллик тушадиган кунлар бўлади”** (Ибн Можа ривояти).

Ушбу ҳадисда жоҳиллик қиёмат аломатларидан бири экани айтилмоқда. Қиёмат куни аломатлари ҳақидаги бошқа ҳадисларни ўрганадиган бўлсак, ўша аломатларнинг аксарияти салбий хусусиятга эга бўлган нарсалар эканини кўриш мумкин. Демак, бундан билинадикки, жоҳиллик ҳам салбий сифат ҳисобланади.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: **“Албатта, Аллоҳ таоло бандалардан илмни тортиб олиб қўймайди. Лекин илмни олимларни кетказиш билан олиб қўяди. Ҳатто бирор олим қолмагач, инсонлар жоҳил раисларни бошлиқ қилиб оладилар. Улар илмсиз фатво беришади. Ўзлари ҳам адашади, бошқаларни ҳам адаштиришади”** (Имом Бухорий ривояти).

Жоҳилликнинг олдини олишда уламоларнинг хизматлари беқиёс. Шунинг учун ушбу ҳадисда уламоларнинг вафоти туфайли илм ҳам кўтарилишидан огоҳлантирилмоқда. Демак, ҳадисдан ҳамма замон ва маконда уламолар ҳурмат-эҳтиромда бўлишлари англанади.

Абдураҳмон Жомий олимлар тўғрисида бундай деган:

*Дунёда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.*

Умму Салама (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо уйимдан чиққанларида осмонга қараб бундай дуо қилардилар: **“*Ё Аллоҳ, сендан адашишимдан ва адаштирилишимдан, йўлдан тойилишимдан ва тойдирилишимдан, зулм қилишимдан ёки менга зулм қилинишидан ва жоҳиллик қилишдан ва менга жоҳиллик қилинишидан паноҳ сўрайман*”** (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Аҳмад ривояти).

Кўриб турибсизки, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўзлари ҳам жоҳилликдан паноҳ сўрамоқдалар. Шундай экан, сиз билан бизга ўхшаш оддий инсонларнинг бу иллатдан паноҳ сўрашлари зарурлиги маълум бўлмоқда.

Олимлардан бири бундай деган экан: “Олим бўл ёки илм олувчи бўл, аммо улар ўртасидаги киши бўлма. Чунки улар ўртасидаги киши жоҳилдир”.

Яна бир ривоятда: “Жоҳилликнинг аломати учтадир: ўзидан ажабланиш, бемаъни гапларни

кўп гапириш ва ўзи қилиб турган ишдан қайтариш”.

Аллоҳ таоло барчамизни илмсиз ҳолда Ўзига нотўғри эътиқод қилиб қўйишимиздан, бировга жоҳиллик қилишдан ва йўлдан тойилишдан асрасин.

ЖАҲОЛАТНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Илм-маърифат нурга, жаҳолат эса зулматга киёсланади. Қаердаки нур бўлса, у жойдан зулмат чекинади. Шунинг учун муқаддас динимизда илм олишга катта эътибор берилган ва олимларнинг мартабалари юқори бўлиши таъкидланган.

Қуръони каримда “жаҳолат” сўзи турли кўринишларда 24 марта, “илм” сўзи эса турли кўринишларда 779 марта келган. Ҳамма илмни ўрганиб жаҳолатдан бутунлай қутулишнинг иложи йўқ. Бунга инсоннинг умри ҳам, тоқати ҳам етмайди. Илмни чуқурроқ ўрганиб, кейин жаҳолатдан паноҳ сўраш лозим.

Жамиятимизда жинойтчиликнинг турли хил кўринишлари ҳамон учраб тургани айни ҳақиқат. Энг ачинарлиси, ёшлар ва аёллар орасида ҳуқуқбузарлик кўпайиб кетгани халқимиз учун ниҳоятда уятли ҳолат. Бундай ҳолатларнинг бош сабаби бу жаҳолат, билимсизлик, оқу қорани танимаслик, ҳалол-ҳаромни билмасликдир. Ҳар қандай муаммо илм-маърифат йўқлигидан ва жаҳолатдан келиб чиқади. Давлатимиз раҳбари масалани ҳал қилишда айнан дин ходимлари,

имом-хатибларимизга мурожаат қилиши уларнинг жамиятимиздаги ўрни нечоғлик эканини кўрсатади. Зеро, халқнинг бошига тушган мусибатни даф қилиш биринчи навбатда мўмин-мусулмонлар ва диндорларнинг зиммасидаги вазифадир.

Одам ўлдириш, ўғрилик, зинокорлик, пора-хўрлик, судхўрлик – буларнинг барчаси бора-бора инсонни имонидан айирадиган, шариат ҳаром қилган гуноҳлардир. Бунинг гуноҳлигини, аввало, ота-она тушунтиради. Тарбия уйдан, оиладан бошланади. Кейин бола боғчага борса, тарбиячи тушунтириши, мактабга борганда ўқитувчиси тушунтириши керак. То бола улғайиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгунича унга ота-онаси, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй, ўқитувчилари, мураббийлари устозлик қилиши лозим.

Бугун турли бузғунчи кучлар бутун инсоният ҳаётига катта хавф солмоқда. Ахборот асри, глобаллашув замонида ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли ғаразли кучлар ва оқимлар тинимсиз кураш олиб бормоқда. Улар қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун замонавий техникалардан ҳам унумли фойдаланмоқда. Улардан бири интернет ва ундаги ижтимоий сайтлардир. Теран ақл юритилса, ён-атрофимиздаги давлатларда тартибсизликлар айнан ижтимоий сайтларда тарқатилган фитналар орқали юзага келгани маълум бўлади. Террорчиларнинг ёлғон ваъдаларига алданган жангарилар илмсиз ва жоҳил кишилардир.

Зеро, муқаддас Ислом дини илм ва маърифатга чақириб, барча ёмонликлардан қайтаради.

Қуръони каримда бундай дейилади:

“(Эй Муҳаммад,) **Раббингизнинг йўли** (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг чиройли услубда мунозара қилинг!” (Наҳл сураси, 125-оят).

Шунингдек, Аллоҳ таоло: **“Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай”**, деб таъкидлайди (Нисо сураси, 93-оят).

Ҳадисларда ҳам бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш энг оғир гуноҳ экани айтилади. Жумладан, Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **“Аллоҳ таолонинг наздида бир мусулмон кишининг ноҳақ қатл этилишидан кўра, ёруғ дунёнинг барбод бўлиб кетиши энгилроқдир”**.

Бузғунчилик йўлини тутган ташкилотлар аъзоларининг ўз жонига қасд қилиш, жумладан, суиқасдчи-террорчиларнинг минглаб бегуноҳ одамлар ҳаётига зомин бўлиши айни жаҳолатнинг кўринишидир. Бундай ваҳшийлик фақат ақл-идрок ва виждонидан маҳрум бўлган, Қуръоннинг илоҳий даъватини англашда қаттиқ адашаётган, онг-шуури ўзгалар томонидан бошқариладиган тубан кимсаларнинг қўлидан келади. Ўзи ва ўзгаларнинг ҳаётига тажовуз қилиш динимиз таълимотларига мутлақо зид бўлиб, бунга Қуръони карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифларда очиқ-ойдин далиллар келган. Жумладан, Қуръони каримда бундай дейилади: **“Ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ**

сизларга раҳм-шафқатлидир” (Нисо сураси, 29-оят).

Шунингдек, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: «Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилурки: **“Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим”**».

ИЛМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Аллоҳ таоло Одам Атони яратган вақтда унга барча катта ва кичик нарсаларнинг исмларини таълим берди. Аллоҳ таоло берган ана шу илм билан Одам Ато улуғ даражага эришди. Машҳур тарихчи Ибн Исҳоқ (раҳматуллоҳи алайх)-нинг таъкидлашича, Идрис (алайҳиссалом) қалам билан ёзган биринчи одамдир. Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг иккинчиси бўлган Идрис (алайҳиссалом)га ёзишни ўргатди. Демак, илм Аллоҳ таоло тарафидан бериладиган улкан неъматдир.

Ана шу вақтдан то қиёмат кунига қадар Одам болаларининг фазилати ва улуғлиги ҳам илм туфайли юксалиб борди. Дунё ва охиратда муваффақиятга эришиш, юксалиш ва юксак поғоналарга кўтарилиш ҳам илм билан ҳосил бўлади.

Барча динлар инсониятни илм ва маърифатга чақирганидек, охирги дин бўлмиш Ислом дини ҳам илм ва маърифатга чақиради.

Илм билан ҳам дунё, ҳам охират обод бўлади. Илм инсонни зийнатлайди. Шунинг учун

ҳакимлар: **“Илм ўрганинг, зеро, у фақирликда давлат, бойликда зийнатдир”**, деганлар.

Машҳур саҳобалардан ҳазрат Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Сулаймон (алайҳиссалом)га илм, мол ва подшоҳликдан бирини танлаш таклиф қилинганда, илмни танладилар. Сўнгра илмни танлагани сабабидан молга ҳам, подшоҳликка ҳам эга бўлдилар”.

Илм – маърифатнинг манбаси. Илмнинг акси жоҳилликдир. Илмнинг аввали Аллоҳ таолони таниш, охири эса билган илмига амал қилишдадир. Аллоҳ таолони танишдан бошланган илм ўз соҳибини яхшиликлар сари йўллайди. Инсон то ўзлигини ва ўз Раббисини танимаса, у чин инсон саналмайди. Ўзлигини таниманган киши қурт-қумурсқа, парандаю даррандадай гап: туғилади, ейди, кўпаяди ва ўлади. Инсон ўзлигини ва ўз Раббисини таниса, дунёга нима учун келганини билади. Дунёсини ва охиратини обод қиладиган ишларни қилади ва икки дунёнинг баракотига етади.

Илм билан олам тараққий этади, илмсизлик эса кишини тубанлаштиради.

Муқаддас Ислом динимиз дунё ва охиратни обод қиладиган барча илмни эгаллашга буюради. Дин ишларини, яъни барча ибодат ва муомалаларни тўғри йўлга қўйиш учун илм олиш фарз қилинди. Шу билан бирга замон талабидан келиб чиқиб, ҳозирги замон илмини ҳам талаб қилиш фарз ҳисобланади.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) ҳар бир даврда ўзига хос бўлган илмларни ҳосил қилишга ишора қилиб: **“Болаларингизга ўзингизникидан**

бошқа (яъни, шариат кўрсатмасидан чиқмаган ҳолда, ўзлари яшаётган давр илмларини) **ўрғатинглар, чунки улар сизнинг даврингиздан бошқа давр ва замон фарзандларидир**”, деганлар.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анху)нинг бу ҳикматли сўзларидан ҳар бир замон ёшларини ўз замонаси илмига эга бўлишларига тарғиб қилади. Албатта, ҳар замон ва вақтнинг керакли илмлари бор.

Бугун ёшларни маънавиятли, илм ва ҳунарли бўлишга тарғиб қилиш жамиятнинг муҳим масалаларидан биридир. Фарзандларимизга илмий-маънавий меросимизни етказишимиз билан бир қаторда, бугунги кун талаб қилаётган интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш ва уларни янгича фикрлаш, ҳаётга теран назар билан боқиш ва касб-ҳунар, илму маърифатнинг инновацион ғоялар ва технологияларини ўзлаштира олишларига ёрдам бермоғимиз лозим. Динимиз жамиятга керак бўлган барча илмни ўрганишни фарз қилган. Бугун ривожланган мамлакатларда тараққий топаётган барча илм биз учун фарз. Зеро, ана шу дин таълимотини тушуниб етган ота-боболаримиз барча фанларда дунёга устоз бўлганлар. Биз математика, физика ва бошқа фанларни ҳам ҳозирги замон талаб қиладиган даражада пухта ўрганишимиз керак бўлади. Демак, ҳозирги замонда миллатимиз ўтган илмий меросларимизни ўрганиш билан бирга ҳозирги замонда керак бўладиган фан-техника соҳасидаги барча илмлардан кифоя қилиш даражаси-

да билишлари зарур бўлади.

Бугун юртимиз ёшлари дин ва дунё илмларини баробар эгаллаб, таълим ва амалиёт уйғунлигида ўсиб-улғаймоқдалар. Уларнинг олаётган билимлари ва ўрганган касб-хунарлари уларга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолади.

Инсон ҳаётда илм, касб-хунар ўрганишга муҳтож. Шунинг учун инсон бешиқдан қабрга-ча илм олиш, уни ҳосил қилиш ва келажак авлодга етказиб беришга буюрилган. Лекин илм олишнинг ўзига хос имкониятли даври бўлади. Албатта, бу ёшлик давридир.

Ёшларнинг келажакда бирор касб-хунар эгаси бўлишлари биринчи навбатда ўзларининг, қолаверса, ота-оналарининг ҳам орзу-умидлари саналади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларини ва ёшларни илм ва касб эгаллашлари учун тарғиб қилиб, доимий қўллаб-қувватлашлари лозим бўлади.

Ёшлиқда олинган илм дунё ва охиратни обод қилади. Инсоннинг келажакда аҳли солих, баркамол инсон бўлиб етишиши, аввало, унинг ёшлигида олган одоб-ахлоқи ҳамда илм-маърифатига боғлиқдир.

Суфён Саврий (раҳматуллоҳи алайх): “Дунёни ва охиратни истаган киши илм ўргансин”, деганлар.

Баъзилар илм ва касбни бир-биридан ажратиб, бирини иккинчисидан афзаллиги борасида баҳс қиладилар. Аслида илм ва касб бир-бирига боғлиқ, илм билан касб ўрганилади, касб ўрганиш эса айни илмдир. Илм қоронғуликни ёритадиган нур, зиёдир. Илм олиш билан ҳаётимиз

ва йўлимиз ёришади. Кимки бирор юртда ёки қалбда илму маърифат машъалини ёқа олса, унинг ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди. Бунга аж-додларимиз хизматлари ва қолдирган олтин ме-росларини мисол қилсак бўлади. Улар қолдирган бебаҳо мерослар нафақат ўз замонларида, бал-ки вақт довлари оша авлодлардан авлодга қо-либ, уларни илм-маърифатнинг битмас-туган-мас зиёсидан баҳраманд қилиб келмоқда.

Буюклар илмни ширин мева деб билишган. Уни тоза, мусаффо ҳавога ўхшатишган. У билан нафас олиб, руҳий тушкунликларни, дард-алам-ларни унутишган. Ана шу ширин меванинг ма-засини татиб яшаш ҳаётнинг баракасидир.

Имом Бурҳониддин Зарнужий ўзининг “Таъ-лумул мутъаллим фи тариқит таъллум” (“Таълим олувчига таълим олиш йўллариини ўргатиш”) ном-ли китобида ушбу ҳикматли байтни келтиради:

*Илмнинг афзали ҳозирги замон илми,
Амалнинг афзали ҳозирги замон амалини
сақлаш.*

Ушбу байтда илмнинг энг афзали мусул-моннинг зиммасига фарз бўлувчи илм эртанги кун учун керак бўлиб қолиши мумкин бўлган илм эмас, балки ҳозирда керак бўлиб турган илм фарз экани тушунилади. Шунингдек, амалнинг ҳам энг афзали келажакда бажарилиши мум-кин бўлган ишлар эмас, балки ҳозирги ҳолда шариатни ва одоб-ахлоқнинг риоясини қилиб бажарилган ишлар амалларнинг энг афзали экани тушунилади.

Бу байтдан инсон ҳозирги замонда ўзига

ва жамиятига керак бўлиб турган илмларни эгаллаш ва касб-ҳунарларни ўзлаштириш билан бирга ҳозирдан билганига амал қилиб, ўз обрў-хурматини камтаринлик, тавозелик билан ҳимоя қилиши зарурлигини англатади. Инсон обрў-хурматини тўкадиган, хор қиладиган феъл-атвордан ўзини эҳтиёт қилиши керак.

Аҳли илмлар, хусусан, ёшлар камтар ва камсуқум бўлишлари мақбул. Тавозени ўзларига лозим тутишсин, у эса мутакаббирлик билан хорлик ўртасидадир. Илм ҳар доим одоб-ахлоқ билан бирга бўлади. Одоб-ахлоқ бўлмаган инсонга илм фойда бермайди. Балки одоб-ахлоқни ўрганиб, унга амал қилиш ҳам айни илмнинг ўзидир.

Бобокалонимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ўзининг “Ал-жабр вал муқобала” асарида олимларни уч тоифага ажратади:

Биринчи: ихтиро қилувчи олимлар. Бу олимлар инновацион ғоялар билан олдин бўлмаган янги илмларни кашф қилади.

Иккинчи: шарҳ ва изоҳ қилувчи олимлар. Бу олимлар матнларни шарҳлаб ва изоҳлаб, олдиндан бор бўлган нарсаларни ёритиб берадилар.

Учинчи: бор нарсаларни жамловчи олимлар. Бу олимлар ҳар жойда ва ҳар хил замонларда пайдо бўлган илмларни жамлаб, бир асарда тўпловчи олимлардир.

Албатта, бу зикр қилинган уч тоифа олимлардан ҳар бирининг ўзига хос фазилати ва айни вақтда халқ учун манфаати бор. Уларнинг

ҳар бири илм йўлида ўзига хос хизмат қилади. Уларнинг ичида инновацион ғоялар ва технологияларни баён қилиб бериш ўзига хос фазилатлидир.

2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинар экан, бу юртимиз ёшлари учун яна масъулият юклайди.

Ҳикматларда “Ёшлиқда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир”, деб бежиз айтилмаган. Тўғри, бола ёш вақтида илмнинг аҳамиятини тушунмаслиги мумкин. Шунинг учун биз ота-оналар ўз фарзандларимизни ёшлик чоғларидан бошлаб одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш билан бирга илму фаннинг барча қирраларини эгаллашга қизиқтириб боришимиз даркор. Уларнинг мактаб ва ўқув юртларида яхши ўқиб, турли касб-ҳунарларни тўла эгаллашга тайёрлаш ҳам ўзимизга боғлиқ. Мактабда берилаётган дарсларни пухта ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳар бир ота-она ва устозларнинг масъулиятли бурчларидан эканини чуқур англаб, бор куч-ғайратимизни шунга сарф қилмоғимиз лозим бўлади. Уларни ўз ҳолларига ташлаб қўйиб, қаерда юргани, кимлар билан ўртоқлашаётгани, нималарга қизиқаётганидан огоҳ бўлмасак, бунинг оқибати яхши бўлмайди. Инсон илм талабида бўлганида ҳам, касбу камолот қилганида ҳам тамагирлик иллатидан сақланиши керак. Дунё матоҳини умид қилиб бажарилган ишнинг камчилиги кўп бўлади. Шунинг учун умидвор-тамагир бўлишга ўрганган киши тубанлик, пасткашлик

сари йўл олади. Ўзида тинчлик, хотиржамлик бўлмайди. Олимлар бу билан нафақат ўз ҳурматларига, балки дин, илм-фан обрўсига ҳам раҳна солишади. Ишчи-ҳунарманд эса, ҳурматини йўқотади, ўз ризқидан маҳрум бўлади.

Албатта, бугун юртимизда барча жабҳада ислохотлар ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, диний соҳада ҳам катта ислохотлар кечмоқда. Ҳаммага маълумки, бир муддат ўз илмий меросларимиздан узилиб қолдик. Бу эса, диний-маърифий соҳада «бўшлиқ»ни юзага келтирди.

2017 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги видеоселекторда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Самарқандда Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади. Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аجدларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади”, дедилар.

Мухтарам юртбошимизнинг ташаббусини

халқимиз хурсанд бўлиб қабул қилди. Бугун ана шу илмий мактаблар ўз ишини бошлади. Бу илм даргоҳларидан яна кўплаб бухорий, мотуридий, марғилоний ва насафийлар чиқишини умид қиламиз. Ҳозирги замон илмларини ўрганиш билан бирга бизга мерос бўлиб келаётган илмларни тўлиқ ўрганиш ва бугунги ёш авлод учун ёритиб бериш ҳам барчамизнинг вазифамиздир.

КИТОБ – БИЛИМ БУЛОҒИ

Бугун ҳар томонлама ривожланган техника асрида ҳаёт кечирмоқдамиз. Кундан-кунга янги-янги кашфиётларга қўл урилмоқда, янгиликлар яратилмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир мамлакат ва жамият тараққиёти илму фаннинг нақадар ривож топаётгани билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда етук илмлар эгаси ва касб-ҳунарли бўлишга ҳаракат қилишлари ва уларни пухта ўрганишлари шу давр ёшларининг бурчидир.

Ислом маърифат динидир. Динимизда илмга икки дунё саодатига етакловчи омил деб қаралади. Илмни ўрганиш ва талаб қилиш фарз саналади. Қолаверса, илм излаш жасорат, билмаганларга ўргатиш эса садақа ҳисобланади. Қуръони каримнинг илк нозил бўлган ояти “Иқро!” яъни “Ўқи!” калимаси билан бошланган. Шунингдек, бошқа сураларда ҳам бу каби чорловларнинг кўплаб келиши Ислом динининг илму маърифатга муносабати қай даража-

да эканини англатади. Қуръони каримнинг Мужодада сурасида бундай марҳамат қилинади: **“Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”**.

Бугунги кунда ҳам илму маърифати орқали юксак даражага эришган ва лойиқ кўрилган инсонлар борлиги барчамизга маълум. Айтиш жоизки, илму маърифатга элтувчи йўл – фойдали китоб ўқиш.

Китоб – нафақат билим манбаи, балки ҳаёт мактаби ҳамдир. Оддий мисол, оилада чақалоқ дунёга келар экан, ота-онаси фарзандига муносиб исм қўйиш учун қўлига исмлар китобини олиб, унинг маънолари билан танишиб, яхши ниятлар билан икки дунё саодатига татийдиган исмни танлайди. Буюк алломалар, машҳур ёзувчи ва адиблар, ватанпарвар инсонлар ҳақида ўқийди, уларга ўхшасин, деб ният қилади. Айниқса, ёш ота-оналар фарзанд тарбияси ҳақидаги қўлланмаларни мутолаа қилиб, унинг тарбиясига киришади.

Яқин кунларгача ўзбек хонадонларида ёзу кишининг кечалари чироқ ёруғида китобхонлик қилиш анъана тусига кирган эди. Китоб ўқишни билганлар халқ ичида обрўли саналар ва ҳурмат-эҳтиром қилинар эди. Ҳофиз, Сўфи Оллоҳёр, Хожа Аҳмад Яссавий, Бедил, Фузулий, Махтумқули, Машраб ғазалларини ёд билмаслик ор саналарди. Гап-гаштакларда, турли маросимларда ҳам тўпланганларга китоблардан парчалар ўқиб бериш каби гўзал одатлар бор эди.

Бу гаплар ортидан «эди» сўзини ишлатишга мажбурмиз. Чунки ана шундай китобхон халқнинг ворислари ҳозир деярли китоб ўқимай қўйгани ва халқимизнинг китобхонлик даражаси анча пасайиб кетгани сир эмас.

Халқимиз жаҳолат ва унинг ортидан келувчи мусибатларга мубтало бўлмай туриб, китоб ўқиш, китобни қадрлаш, болаларимизда китобга муҳаббатни уйғотишга уринишимиз лозим!

Китоб бизнинг онгимизга, балки қонимизга, жонимизга сингиб кетиши ҳам шундан бўлса керак. Инсонда гўдаклик давридан бошлаб онаси айтган аллалар, бобосидан эшитган эртаклар китобга нисбатан меҳрини шакллантириб бориши ҳаётий тажрибадир.

Соҳибқирон Амир Темур ёзма битикларида китоб ҳақида гўзал таъриф келтирган: **“Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”**. Чиндан ҳам, китоб – тарққиётлар калити, билимлар манбаи. Китоб – бу ёруғлик, у инсонга жаҳонни танитади, инсонни жаҳонга танитади, эзгуликка чорлайди, теран тафакур этишга ундайди.

Шунинг учун бўлса керак, атоқли адиб Озод Шарафиддинов бундай деган эди: **“Маърифатли одам учун ўз халқининг китобга жо қилган ижод дурдоналаридан кўра қимматлироқ бойлик бўлмайди”**.

Китоб ўқимаган халқ жоҳилликка маҳкумдир. Китоб ўқимаган, илмга интилмаган, руҳиятини бойитишга лоқайд қараган миллатнинг

фарзандлари ўзлигини, эркини, маданиятини бой бериши муқаррар!

Ўнинчи асрнинг улуғ олимларидан андалусиялик Ибн Рушд умри давомида фақат икки кеча китоб ўқимаган экан: бири уйланган ва иккинчиси отаси вафот этган кечада. Тобеинлардан Урва ибн Зубайр (розияллоху анху) ҳаётида бир марта китоб, яъни Қуръонни ўқишни тарк қилган. Ўшанда қорасон бошланган оёғини кесиб ташланганда ҳушдан кетиб, китоб ўқий олмай қолган.

Жадидчилик ҳаракатининг буюк намояндаларидан бўлган Мунавварқори Абдурашидхонов бундай дейди: **«Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналарга сарф этмакдадурлар».**

Ойбек эса: **“Китоб ва мутолаа сизни қудратли ижод булоғига бошлайди. Китоб ва мутолаа сизни кўндан-кўп янги босқичларга кўтаради”**, дейди.

Мутолаанинг инсон учун манфаатлари чексиз. Хусусан, у шундай катта қудратга эгаки, инсоннинг руҳиятини тозалайди, инсонни тарбиялайди, адолатга томон чорлайди.

Фарзандлар тарбияси ва уларни камолотга етказишда китобнинг аҳамияти катта. Оталар фарзандларига ёшига мос китобларни танлаб, ўқиб берадилар, эртақлар айтиб, дунёқарашини бойитади. Аста-секин фарзандлар

ҳам мустақил равишда китоб ўқий бошлайди. Уларнинг илм олишга бўлган иштиёқлари, китобга бўлган меҳрлари ортиб, маънавий олами тобора юксалиб, уни эзгу амаллар қилишга чорлайверади. Фарзанд маънавий дунёсини бойитишда унга ёрдам берадиган асосий восита китоб эканини ҳар биримиз эътироф этамиз.

Бундан ташқари, китоб мутолааси инсон нутқини равон қилади, теран фикрлашга, атрофда юз бераётган воқеалар ҳақида тўғри хулоса чиқаришга ўргатади. Китоб билан дўстлашган қалблар ихтиролар кашф этади, ноёб қобилиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун доимо ўқиб-ўрганишдан чарчамаслик, ундан узоқлашмаслик лозим.

Вақт билан ҳамнафас яшаш, бугуннинг янгиликларидан бохабар бўлиш замондан орқада қолмасликнинг муҳим шarti бўлиб қолгани рост. Илм ва китоб мутолаасига қаратилаётган эътибор ўша давлатнинг эртанги кунини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **“Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”**ги фармойишининг қабул қилиниши муносабати билан жамиятда китоб мутолааси, китобхонлик давлат эътиборидаги масалага айланиб, қалбларни яна бир бор қувонтирди, ижодкорлар, китобхонлар ғайратига ғайрат қўшди.

Шунинг баробарида, бу фармойиш маънавият тарбиясига масъул кишиларнинг, ёзувчи

ва адибларимизнинг, устозу муаллимларнинг зиммаларидаги масъулиятни янада орттирди, ёшлар ва катталар ўртасида китобхонлик маданияти шаклланишига асос бўлди.

Кенг жамоатчилик орасида китобхонлик, китоб мутолаасига аҳамият қаратишдан мақсад руҳияти соғлом, маънавий камолоти шаклланган, буюк аждодларимизга муносиб фарзандларни етказиш, келажагимизни янада тараққиёт босқичларига кўтаришдан иборат.

Президентимизнинг юқоридаги қарори замирида ёшларни китобхонликка ўргатиш, бу ишга ўз соҳасининг мутахассислари ва ижодкорларини жалб этиш, навқирон авлодни бой маънавий мерос билан яқиндан таништириш, қалбида тарихимизга чуқур ҳурмат ва муҳаббатни уйғотишдек улуғвор ниятлар мужжасамдир. Чунончи, ўсиб келаётган ёшларни тўғри йўлга бошлайдиган, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топишларига, ўзи қизиққан соҳаларида етук мутахассис бўлишга ёрдам берадиган, маънавиятини бойитадиган китоблар яратиш бугунги кун талабидир.

Таъкидлаш жоизки, аллома аждодларимиз томонидан яратилган беназир асарлар дунёни ҳайратга солган. Буюк мутафаккирларимизнинг дурдона асарлари қалбларга маърифат зиёсини сочадиган, жаҳонни ёритиб турган машъала, бебаҳо хазина мисолидир. Бу хазинадаги нодир асарларни ўқиган борки, улардаги чуқур маънолардан баҳраманд бўлади. Демак, китоб ўқишни ният қилган юртдошларимиз, аввало, аждодлардан қолган бебаҳо китобларни

мутолаа қилиши ўринлидир. Халқимизга бой маънавий меросни соф ҳолича етказиш, ёшларни миллий ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда аجدодларимиз асарларини тадқиқ этиш мақсадида сўнгги йилларда улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Китоб – ақл чироғи, унга ошно бўлиш, уни кўп ўқиш инсоният камолотини янги босқичга кўтарилишига туртки бўлади, янгидан-янги марраларни забт этишига сабаб бўлади.

Бадиий адабиётлар инсонга хос олижаноб фазилатларни юзага олиб чиқади, инсон руҳиятини озиклантиради, илмий адабиётлар эса илмий ва мантиқий, фалсафий фикрлашга ундайди, янгидан-янги илмий кашфиётлар яралишига замин яратади. Китоб доим инсонни фикрлашга, ҳалол ва тўғри яшашга, ватанни севишга, жамиятга керакли инсон бўлиб етишишга, маънавиятли бўлишга чорлайди. Ҳар бир миллат, давлат ўтмишини, тарихини, кимлигини билмоқчи бўлса, аввало, китобга мурожаат қилади. Шундай экан, китоб ўқиган инсон Ватани ўтмишини, ўзининг кимлигини идрок этади.

Китоб ва билим инсониятга бахт ва омад келтиради, чунки китоб – инсоннинг маънавий қиёфасини очиб беришга, билим савиясини бойитишга хизмат қилувчи муҳим восита ҳисобланади.

Бугун барча соҳа жадал ривожланмоқда, кўз илғамас даражада тезлик билан маълумотлар оқимининг ортиши кузатилмоқда, ахборотлар замон ва макон чегараларини тан олмаяпти. Глобаллашув таъсирида турли халқларнинг мил-

лий қадриятларига футур етмоқда. Лекин китобнинг қадри ҳамиша юксак бўлиб қолаверади. Бинобарин, китобхонлик, мутолаа маданияти, бу – маънан юксалиш сари энг афзал йўлдир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан айнан маърифат йўлига қаратилаётган эътибор ортида халқимизнинг маънавий камолоти, миллатимиз равнақию ёшларимиз тақдирига куюнчаклик яққол сезилиб турибди.

Китоб, энг аввало, ёш авлоднинг онгу шуурига, халқига ҳурмат, садоқат, эҳтиром, ўзликни англаш, ватанга муҳаббат. Унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришнинг асосий омилларидан биридир.

Сўнги сўз сифатида айтиш мумкинки, болалар китобхон бўлиб ўсишининг энг муҳим омили оилавий муҳитдир. Китоб боланинг келгусидаги истиқболини белгилаб берувчи катта куч экан, оилаларда болалар ёшига муносиб китобларнинг мавжуд бўлиши жоиздир. Чунки инсонга китобнинг таъсирини болалар ўз хонадолида, оиласида, ота-онасининг қўлида кўрмаса, унинг онгига сингиши мушкул. Демак, ҳар бир хонадонда китоблар кўпайсин, авлодлар китоб мутолааси билан вояга етсинлар, китобхонлик фазилати авлодлар занжиридан узилмасин.

ЁШЛИК – ҒАНИМАТ ДАВР

Маълумки, умр Аллоҳ таоло инсонга берган неъматлар ичида энг улуғидир. Зеро, инсоннинг бу дунёдаги умри ҳисобига яхши амаллар қилиб, Аллоҳ таолонинг розилигини топиш имкониятига сазовор бўлади. Инсон умрининг баҳори бўлган давр, шубҳасиз, ёшлик давридир. Ҳаётнинг ушбу марҳаласи инсон учун жуда муҳим бўлиб, умр ва унда бўладиган ишларга шу пайтда тамал тоши қўйилади.

Ёшлик даврининг ғанимат экани ҳақида қуйидаги ҳадиси шарифга мурожаат қилсак ўринли бўлар эди:

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا تَزُولُ قَدَمُ ابْنِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عِنْدِ رَبِّهِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ خَمْسٍ، عَنْ عُمْرِهِ فِيْمَ أَفْنَاهُ وَعَنْ شَبَابِهِ فِيْمَ أَبْلَاهُ وَمَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيْمَ أَنْفَقَهُ وَمَاذَا عَمِلَ فِيْمَا عَلِمَ. رواه الترمذي.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан келтирилган ривоятда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Қиёмат кунда Одам боласининг қадами Раббисининг ҳузуридан силжимай туради, токи, беш нарсадан сўралмагунча: умридан, уни қандай ўтказди, ёшлигидан – уни қандай кечирди, молу дунёсидан – уни қаердан касб қилиб, қаерга сарфлади ва билганига қандай амал қилди”** (Имом Термизий ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан ёшлик қандай муҳим давр эканини билиб олиш мумкин. Ҳатто қиёмат кунида ҳам Аллоҳ таоло энг биринчилардан бўлиб ҳисоб-китоб қилинадиган амаллар ва ишлар орасида инсоннинг ёшлигидан сўрар экан. Бу эса инсон учун унинг жуда муҳимлигини белгилайди.

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم لرجل وهو يعظه: «اغتنم خمسا قبل خمس شبابك قبل هرمك وصحتك قبل سقمك وغنائك قبل فقرك وفراغك قبل شغلك وحياتك قبل موتك». أخرجه الحاكم في المستدرک.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишига насиҳат қила туриб бундай дедилар: **“Беш нарсани беш нарсдан олдин ғанимат бил: қаришингдан олдин ёшлигингни, касал бўлишингдан олдин соғлигингни, фақир бўлишингдан олдин бойлигингни, банд бўлишингдан олдин бўш вақтингни ва ўлимингдан олдин умрингни”** (Имом Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган).

Уламолар ушбу ҳадиснинг “қаришингдан олдин ёшлигингни”, деган қисмини қуйидагича шарҳлаганлар: “Инсон ёшлигида Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатида бўлиш билан биргаликда, тоатнинг асоси бўлган илмларни ҳам эгалла-

ши зарурдир. Зеро, ёшлик даврида инсон хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, ҳар қандай ишларга ўрганиши табиий. Шундай экан, ёшликда олинган билим ва тоат-ибодат, албатта, қариликда фойда беради”.

Буюк тобеинлардан Алқама ибн Қайс Наҳъий бундай деган эди:

ما حفظت وأنا شاب، فكأنني أنظر إليه في قرطاسة أو ورقة

“Ёш йигитлик давримда нимани ёдлаган бўлсам, гўё унга (ёдлаган нарсамга) вараққа қарагандай бўламан”. Яъни ёшликда ўрганган илмим шунчалик қалбимда ўрнашдики, уни бирор бир ёзилган қоғоздан ўқигандек айтишим мумкин.

قال الحسن بن علي لبيته وبنو أخيه: «تعلموا العلم، فإنكم إن تكونوا صغار قوم؛ تكونوا كبارهم غداً. فمن لم يحفظ فليكتب.

Ҳасан ибн Али ўз ўғиллари ва жиянларига: “Илм ўрганинглар. Зеро, сизлар қавмининг кичкинаси бўлсангиз, эртага уларнинг каттаси бўласиз. Ким ёдлай олмаса, ёзиб олсин”, деган эди.

Ҳақимларнинг бундай ҳикматли сўзлари бор:

مَنْ لَمْ يَتَعَلَّمْ صَغِيرًا لَمْ يَتَقَدَّمْ كَبِيرًا.

“Ким ёшлик даврида илм олмаса, ёши катта бўлганда буюкликка эришмайди”.

Мазкур нақлни икки хил маънода тушуниш мумкин:

1. Ёшлик чоғини ғанимат билиб, илм ўрганмаса, ёши ўтганда бу ишни қила олмайди. Инсоннинг ёши кексайгани сари хотираси сусаяди, илм олиш йўлидаги машаққатларга тоқат қила олмайди.

2. Ким ёшлик даврида илм олмаса, кекса бўлганида юксак даражага кўтарилма олмайди, илм-маърифати бўлмагани сабабли одамлар орасида ҳам энг қуйи ўринларда туриши ҳаёт тақозосидир. Илм инсонга муваффақият келтиради, уни юксалтиради ва ривож топтиради.

Замонамиз уламоларидан Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам бир маърузаларида: “Ёшлик – ғанимат давр, унда ўзингга керакли зоди роҳилани тайёрлаб ол, ҳаётингда керак бўладиган илмларни ўрганиб ол. Эртага қарисанг, қийналиб қоласан. Кучинг етмайди, тоқатинг кўтармайди”, деб айтган эди.

Юқоридаги ҳадис ва ҳикматли мақолларга монанд “Ёш чоғим – олтин чоғим”, “Ёшлигингда одат қилсанг, қаригунча кўникасан. Қариганингда одат қилсанг, кўниккунча кўмиласан”, “Ёшликда ўрганилган билим тошга ўйилган нақш кабидир” каби нақл ва мақоллар бор. Дарҳақиқат, Имом Бухорий, Имом Термизий, Беруний, Ибн Сино ва Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк боболаримиз илмга жуда эрта қадам қўйганига тарих шоҳид. Хусусан, буюк аллома Абу Али ибн Сино 4 ёшидаёқ Қуръони каримни ёд олиб қори бўлган. Шунингдек, ҳали ўн саккиз ёшига тўлмасидан фалсафа, тарих, тиббиёт, мантиқ ва бошқа илмларни чуқур ўзлаштириб машҳур табиб бўлиб етишган.

Шу билан бирга, инсон ёши ўтгандан кейин илм талаб қилиши унга кеч бўлади, илмдаги юқори чўққиларга эриша олмайди, деган тушунчадан йироқмиз. Зеро, “Бешиқдан то қабргача илм изла”, деган ҳадиси шарифга амал қилиб, кўплаб буюк олимлар етишиб чиққанини тарихдан билиб олиш мумкин. Шулардан бири диёримиздан етишиб чиққан улуғ аллома миллату динимизнинг фахри Абу Бакр Қафқол Шоший ҳазратларидир. Ривоят қилишларича, бу зот моҳир кулфсоз бўлиб, ўттиз ёшга етганида илмга бўлган иқтидори ва қобилиятини сезиб қолади. Шундан сўнг илм излашга киришиб, ўзи замонасининг машҳур шайхларидан илм ўрганади ва ҳадис эшитади. Шу даражага етишадики, бутун аҳли Хуросоннинг энг катта устози бўлиб етишади.

Демак, илм ёш танламайди. Бироқ кўп ҳолларда ёшлиқда олинган илм инсон зехнига кўпроқ ўрнашиши тажрибада синалгани таъкидланади. Бу ҳолни юқоридаги мисолларда кўриб чиқдик.

Ҳозирги кунга келиб, давлатимиз томонидан ҳам ёшларимизнинг илм олиши, ўқиб-ўрганишига кенг шароитлар яратилган. Ҳатто ёшлар таълими давлат сиёсати даражасига кўйилган. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июнда Ёшлар Иттифоқини тузиш ҳақида фармони чиқарилди. Ушбу фармоннинг бешинчи бандида бундай дейилган:

“Ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган

қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш...”

Ушбу фармонда ёшларимизнинг таълим олиши, китоб ўқиши ва ўз устида ишлашлари белгилаб қўйилган. Энди ёшларни билимли, китоб мутолаасига муҳаббатли, ўзи ватани ва халқига муҳаббатли қилиб тарбиялаш қолди, холос.

Шунингдек, Ёшлар иттифоқини тузиш тўғрисидаги маърузада ёшлар тарбиясига ҳам катта эътибор қаратиш лозимлигини Президентимиз таъкидлаб: «“Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди», деган эди.

Шундай экан, ёшларни билимли қилиш билан бирга уларнинг тарбияси ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Зеро, тарбиясиз билим фойда келтирмайди. Илм олишда одоб-ахлоқ масалаларига ҳам катта аҳамият бериш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони карим.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. “Тошкент ислом университети” нашриёти. Тошкент, 2001.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Қуръони Карим” ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Тошкент, “Ҳилол нашр”, 2017 йил.
4. Шайх Муҳаммад Али ас-Собуний. Софват ут-тафасир. Дарул Қуръанил Карим, 1981 йил.
5. Имом Суютий ва Имом Маҳаллий. Тафсири Жалолайн. Дорул-илмил-жадид.
6. Ибн Касир. Тафсирул Қуръанил карим. Байрут, Дарул кутубил илмийя, 1985.
7. Аҳмад ибн Муҳаммад Совий. Ҳошияту Совий. Байрут, Дарул кутубил илмийя, 2005.
8. Имом Қуртубий. Ал-Жамиъ лиаҳкам ил-Қуръан. Муассасатур Рисола, 2006 йил.
9. Имом Абу Лайс Самарқандий. Баҳрул Улум. Дарул кутубил илмийя, 1993 йил.
10. Имом Термизий. Ал-Жомеъул Кабир. Дарул Ғарбил Исламий, 1996 йил.
11. Ибн Можа. Сунан Ибн Можа, Дару ихяил кутубил Аробия.
12. Имом Ғаззолий. Ихяу улумид дин. Дару Ибн Ҳазм, 2005 йил.
13. Бурҳанул Ислам Зарнужий. Таълимул мутаъаллим тариқут таъаллум. Ал-Мактабул исламий, 1981 йил.

14. Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда. Қийматуз замон индал улама. “Мактабул матбуотил исламиъ”, 2012 й.

15. Абдурауф Фитрат. “Нажот йўли”. “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. Тошкент, 2001.

16. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008 й.

17. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. “Сунани Термизий”. “Дорул ҳадис”. Қоҳира, 2008.

18. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.

19. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумид дин. – Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2003 й.

20. Буюк сиймолар, алломалар. Т., Мерос, 1998.

21. Буюк уламоларимиз. ТИУ нашриёти, 2002 й.

22. Доктор Анас Аҳмад Корзун. Талабанинг одоби. Абдуғафур Содир таржимаси. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2006 й.

23. Жалолиддин Холмўминов. Бараканинг сири. “Мовароуннаҳр”, Тошкент, 2013.

24. И. Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т., “Шарқ”, 1998.

25. Бурҳониддин Зарнужий. “Таълумул мутааллим фи тариқат таълим”. Дору Ибн Касир. 2014.

26. Имом Бухорий халқаро маркази. “Ўзбекистон буюк алломалар юрти”. Т.: “Мовароуннаҳр”, 2010.

27. “Ислом зиёси ўзбегим сиймосида”. ТИУ нашриёти, 2001 й.

28. Абул Фараж Абдурахмон ибн Али. “Мин-ҳожул қосидин”. Дамашқ, Дорут тавфиқ, 2010.

29. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий. “Мишкат ал-масобих”. – Байрут: “Дар ихъи ат-турос ал-Арабий”, 2001 й.

30. Муҳаммад Хузарий. “Нурул яқин фи сийрати Саййидил мурсалин”. Байрут, Дорул кутубил илмийя, 2013.

31. Муҳаққиқ Доктор Муҳаммад Зиёурраҳмон Аъзамий. “Ал-мадҳал илас Сунанил кубро”. “Дорул ҳадис”. Қоҳира, 2008.

32. Имом Тожиддин Субкий. “Табақотуш шофиъя”. Байрут, Дорул кутубил илмийя, 2013.

33. О. Носиров ва бошқалар. “Ан-Наъим” (арабча-ўзбекча луғат). – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003 й.

34. Усмонхон Алимов. “Оилада фарзанд тарбияси”. “Мовароуннаҳр”. Тошкент, 2014.

35. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Ҳаёт ва Ҳадис”. –Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2003, 2008 йй. 3-жуз.

35. Ваҳба Зухалий. (Таржимон: Яхшиликков Абдулазиз). “Шамоилул Мустафо”, Тошкент, “Ҳилол нашр”, 2017.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Ислом дини илмни улуғлайди	5
Илмнинг таърифи.....	16
Қуръони карим илм фазилати ҳақида	17
Ҳадиси шарифлар илм фазилати ҳақида	20
Улуғ зотлар илм фазилати ҳақида	23
Илм олишда тўғри ниятли ва ихлосли бўлиш	25
Устозларга эҳтиром	35
Илм талаб қилишда одобнинг ўрни.....	38
Илм талаб қилувчининг одоблари	40
Толиби илмнинг ўзгаларга нисбатан одоблари	44
Жаҳолатдан сақланинг!	50
Жаҳолатнинг салбий оқибатлари.....	55
Илм ва ҳозирги замон	58
Китоб – билим булоғи	66
Ёшлик – ғанимат давр	74
Фойдаланилган манбалар рўйхати	80

Диний-маърифий нашр

Зиёуддин МИРСОДИҚОВ

ИЛМ ВА ОДОБ САОДАТ КАЛИТИДИР

Муҳаррирлар: Жамшид ШОДИЕВ,
Бобомурод ЭРАЛИ
Бадий муҳаррир Равшан МАЛИКОВ
Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳа Нилуфар АБЛАЕВА

Нашриёт лицензия рақами: AI № 146. 2009. 14. 08.
Босишга 2018 йил 26 ноябрда рухсат этилди. Офсет қоғози.
Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$. Ҳарф гарнитураси PT Serif.
Офсет босма усули. Ҳисоб-нашриёт т.: 4,4.
Шартли б. т.: 2,6. Адади: 2000 нусха.
_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Мовагoupнаг” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: m-nashr@mail.ru
Тел: (0-371) 227-34-30

“Print Line Group” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 44-уй.